

Ўзбекистон Республикаси Халқ Таълими Вазирлиги
Муқимий номидаги Қўқон Давлат Педагогика Институту

Қўлёзма ҳуқуқида

КАРИМОВ АБРОР ИСЛОМОВИЧНИНГ

**«МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА
ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ИСЛОҲ ҚИЛИНИШИ»**

**5 А 140601 – Тарих мутахассислиги бўйича
магистрлик даражасини олиш учун ёзган**

ДИ С С Е Р Т А Ц И Я С И

Илмий рахбар:

т.ф.н. Акбаров Қ.

Қўқон – 2011

Кириш.

Мавзунинг долзарблиги.

Жаҳон тарихий тажрибасининг гувоҳлик беришича бирорта ҳам халқ ва миллат таълим тарбияга эътиборсиз тараққиётга эриша олмаган. Бугунги кунда маънавиятга, таълим – тарбияга, миллий кадрлар тайёрлашга биринчи даражали аҳамият бермайдиган жамият, давлат, халқ ва миллат ижтимоий, иқтисодий, сиёсий муаммоларни бартараф этолмайди. Халқи маънавий, маърифий жихатдан етук бўлмаган мамлакат табиий - иқтисодий бойликларига беҳисоб, ҳарбий жихатдан қудратли бўлган тақдирда ҳам буюк давлат бўла олмайди.

Эл – юртига, Ватанига садоқатли, иймон – эътиқодли, мард ва жасур, малакаси етук, маънавияти юксак инсонлар, баркамол авлод ҳар қайси давлатнинг қудратли салоҳият манбасидир. Ана шундай ноёб ҳислат ва фазилатларга эга бўлган инсонларни, баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказган халқ, албатта келажакка очиқ кўз, катта ишонч, умид ва ихлос билан қарай олади. Кўриниб турганидек, мустақил Ўзбекистон тараққиёти тақдирини ҳам маънавий жихатдан етук инсонлар ҳал қилади.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги ўзгаришлари жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларидаги каби истиқлол йилларида оламшумул аҳамиятга эга бўлган ўзгаришлар амалга оширилди. Ёш мустақил давлатимизнинг келажак тараққиёти албатта унинг интеллектуал салоҳиятли ва маънавий етук ёшларига боғлиқ. Ушбу ҳолат мустақилликнинг дастлабки кунлариданок ҳукуратимиз ва президентимизнинг доимий эътиборидаги масала бўлиб келмоқда.

Мамлакатимизда буюк келажак қуришда таълим – тарбия соҳасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Унинг натижасида Ўзбекистонда таълим соҳасида жаҳон андозасидаги кадрларни етиштириб беришга қаратилган таълим тизими ишлаб чиқилиб ҳаётга жорий қилинди. Бунда “Таълим тўғрисидаги Қонун” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг эслашни ўзи кифоядир. Мамлакатимиз ҳаёти учун муҳим бўлган мазкур дастурларни қабул қилиниши ҳозирги кунда таълим – тарбия соҳасида эришган ютуқлармиз учун асос бўлди.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб мазкур магистрлик диссертациясининг мавзуси сифатида Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилган ислохотлар масаласи танланди. Чунки мазкур ислохотларни ишлаб чиқиш жараёни, мазун моҳияти ва тарихий ахамиятини таҳлил қилиб, ҳолисона ёритиб бериш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилиш даражаси.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг ахамияти масаласига доир сўнги йилларда кўплаб тадқиқотлар амалга оширилди ва оширилиб келмоқда. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Мустақил Ўзбекистон тарихи номли рисолада. Олий ўқув юртлари ва касб – ҳунар коллежлари учун чоп этилган Ўзбекистон тарихи дарсликларида ушбу мавзуга оид кўплаб маълумотлар берилган. Муаммога доир махсус тадқиқотлар ҳам амалга оширилган бўлиб, хусусан М. Давлетованинг Ўзбекистонда таълим қонунчилигининг ривожланиши. (1974 – 2001 йиллар) номли рисоласини, Васиева Д.нинг “Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда университет таълимининг шаклланиши ва ривожланиши: тажриба ва муаммолар (1991-2001 й.й.)” мавзусидаги номзолик диссертациясини кўрсатиб ўтишимиз мумкин. Бундан ташқари асосий манбалар сифати президентимиз И.А.Каримовнинг асарларида Ўзбекистонда таълим тизимини ислоҳ қилиш масаласига доир маълумотлар берилган.

Сўнги йилларда даврий нашрларда ва илмий журналларда тадқиқот мавзусига доир бир қатор мақолалар ҳам чоп этилган бўлиб, уларда Ўзбекистонда таълим тизимида амалга оширилган а ислохотларнинг айрим жihatлари масалалри ёритиб берилган. Лекин шундай бўлсада муаммога доир яхлит тадқиқотнинг мавжуд эмаслиги уни магистрлик диссертациясининг мавзуси сифати танланиши учун асос бўлди.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари.

**МАВЗУ: «МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА
ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ИСЛОҲ ҚИЛИНИШИ»**

КИРИШ.

**I –БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАЪЛИМ
ТИЗИМИНИНГ ИСЛОҲ ҚИЛИНИШИ.**

1-§. Ўзбекистон Республикаси Президенти И, А, Каримов-

нинг таълим соҳасини ислоҳ қилиш тўғрисидаги ғоялари.

2-§. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг яратилиши.

II – БОБ. ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ИСЛОҲ ҚИЛИНИШИДА КАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚОНУНЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ.

1-§. “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг шаклланиши ва
ривожланиши.

2-§. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг аҳамияти

ХУЛОСА.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар руйхати.

I.боб. «МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ИСЛОҲ ҚИЛИНИШИ»

I.1§. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг таълим соҳасини ислоҳ қилиш тўғрисидаги ғоялари.

"Ғоялар деганда, энг юксак ва аҳамиятга молик бутун коинот олами, ақл-идрок... учун ҳарактерли ҳодисалар маҳсули тушунилади. ғоялар ақл-идрок ва ишонч-эътиқотнинг табиат ва нарсалар оламига ёриб киришини ифодалайди. Бу қаттиқ, ваҳший қонуниятлар ва кўр-кўрона тасодифлар салтанатидаги ёрқин нурдир. ғоялар фан мазмунини ташкил этади,

кутилмаган янгиликлар... дунёқарашларнинг тарқатувчилар бўладилар. Лекин муайян тарихий шарт-шароитларда ғоялар мафкура-ҳокимият билан боғлиқ буйруқ оҳангидаги қарашлар тўпламига айланади.

ғоялар, ҳокимият ва мулк сингари жамият ҳаётида бирдек бўлмаган зиддиятли аҳамиятга эга."¹

Машҳур ҳуқуқшунос олим С.С. Алексеевнинг юқоридаги фикрларига асосланиб ғоялар давлатнинг қабул қилган ҳуқуқ нормаларида акс этади, шунингдек у инсонларнинг хатти-ҳаракатларида намоён бўлади дейишимиз мумкин. ўз навбатида ғояларни ижобий ва салбий ғояларга бўлишимиз мумкин.

Ижобий ғоялар инсонларнинг бахтли келажаги сари етаклайди. Салбий ғоялар эса аксинча, бахтсизлик, фалокат ва зулмат сари етаклайди.

Президентимиз И. А. Каримовнинг "Ўзбекистон нинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли" китобида шундай дейилган: - "Мустақил давлатда, тинчлик ва осойишталикда, ғоявий чалкашликлар ва темир парда"дан халос бўлиб, биз умумбашарий қадриятларнинг энг биринчи асоси бўлган халқ инсонпарварлиги чашмаларидан қадам-бақадам баҳраманд бўлмоқдамиз. Айни шу ҳол тараққиёт йўлидан дадил боришимиз ва бутун Инсоният билан бирлигимизнинг энг мустаҳкам кафолатидир."¹

Президентимиз томонидан таъкидланган умумбашарий қадриятларнинг заминида албатта, биринчи ўринда таълим-тарбия ётади. Инсонда қачонки инсонпарварлик ғоялари устун бўлса, сиёсий онги етук бўлса, атроф-муҳитга муносабати соғлом бўлса, бир сўз билан айтганда умумбашарий қадриятлар устун бўлсагина бундай инсонлар мавжуд бўлган жамиятни биз фуқаролик жамияти деб атай оламиз. Шундай экан, истиқболимизни белгилайдиган таълим соҳасини ислоҳ қилиш мамлакатимиздаги энг долзарб муаммолардан бири сифатида XX аср

¹ Алексеев С.С. Теории права. М.: Издательство "Бек", 1995, 26 бет.

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. - Т., "Ўзбекистон". 1996, 80-бет

охирларида майдонга чиқди. Айнан ана шу таълим соҳаси келажагимизни яратади.

Президентимизнинг юксак даражадаги инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган қимматли фикрларини мазкур параграфидида илмий жиҳатдан ўрганиб, таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Ўзининг мустақил ривожланиш йўлига қадам қўйган республикаимизнинг таълим соҳасининг ислоҳ қилинишида Республикаимиз Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг серқирра фаолияти билан бирга, унинг нутқлари нашрий асарларининг ҳам аҳамияти беқиёсдир.

Барчамизга маълумки, республикаимиз миллий мустақиллигини қарор топшириш ниҳоятда мураккаб тарихий ва ижтимоий сиёсий шароитга тўғри келди. Бу жараёнда эса мулкчиликнинг ягона давлат монополиясига асосланган шаклидан кўп укладли шаклига ўтиш, шунингдек, ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришни, ўз фикр ва дунёқарашига эга бўлган кадрларни тарбиялаш замон талаби эди. Шундай экан, ушбу жараёнда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, дунёнинг ривожланган давлатлари билан ушбу соҳада ҳамкорликни кучайтириш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб турарди. Шунинг учун ҳам таълим соҳасига давлатимиз алоҳида ғамхўрлик қилди ва қилмоқда.

Зеро, Президентимиз Ислон Абдуғаниевич Каримов таъкидлаганларидек, - "ёш республикаимиз мустақиллигига раҳна солиши мумкин бўлган ички ва ташқи салбий омиллар фуқароларнинг хушёр бўлишлари, ватанпарварлик руҳи билан нафас олишлари, ҳаракат, фаолият йўналиш белгилари ҳаёт – мамот масални бўлиб турибди. Буларнинг барчаси нафақат иқтисодий, сиёсий соҳада, балки маънавий-маърифий жабҳаларда, жумладан унинг таркибий қисми бўлган таълим – тарбия тизимида жиддий ислоҳатлар ўтказишни ва бунда инсон шахси, ўз ички салоҳиятини энг кўп даражада намоён эта оладиган муҳитни яратишни талаб этмоқда" ¹ дейди.

¹ Каримов И.А. Баркомол авлод орзуси. - Т., Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2000 йил. 10 бет.

Дарҳақиқат, энг олий қадрият сифатида тан олинган инсон, унинг ҳаёти, ҳавфсизлигининг таъминланишини масалаларининг барча – барчаси маърифатга бориб тақалади. Ҳаётда эса маърифатга ҳамиша жаҳолат тўсиқ бўлади. "Жаҳолат" сўзининг ўзи илм маърифатдан маҳрумлик, қолоқлик, маданиятсизлик, нодонлик, зулмат дея талқин этилади. Дунёни жаҳолат эгалласа нафақат ақл, балки ақлни пешлайдиган маърифат, маънавият, хурфикрлилик, инсон озодлиги барча- барчаси барҳам топади.

Маърифат эса инсонларнинг онг – билимини, маданиятини оширишга қаратилган таълим тарбиядир. Демак, жаҳолат билан маърифат бир – бирига тамоман қарама - қарши тушунчалардир. Ҳаётда маърифат жаҳолатнинг иллатидан ўз мақсади йўлида фойладанмайди. Бироқ жаҳолат ўзининг манфур ниятини амалга оширишда маърифатнинг ҳислатларини ишга солади, ўзининг ғаразли мақсадига эришиш учун маърифат ниқобига кириб иш юритади.

Фикрларимизни мисоллар орқали тушунтиришга ҳаракат қиламиз. ХХІ аср вабоси "дея аталиши терриризмнинг туб – туби ҳам жаҳолатга бориб тақалади яъни, қанчадан - қанча ёшларнинг дин ниқобига ўралган сохта ақидаларга учиши" барчаси маънавият, маърифатнинг саёзлигидан келиб чиққан, бунинг оқибати эса қанчадан - қанча инсонларнинг ҳаётига зомин бўлиши муқаррардир.

Президентимизнинг юқори фикрларида эса, бир сўз билан айтганда тинчлик, ҳавфсизлик каби ғоялар илгари сурилган.

Жамиятимизни тубдан янгилаш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқилган башта тамойил ҳаётга тадбиқ этилаётган ҳозирги пайтда маънавий – маърифий ишларни амалга ошириш, жамиятда миллий ғояни шакллантириш, бунинг натижасида эса, эркин шахсни тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бўлиб ҳисобланади. Президентимиз Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг "Тафаккур" журнали бош муҳаррири саволларига жавоблари ва бир гуруҳ тарихчи олимлар билан бўлган суҳбатида, Вазирлар

Маҳкамасининг "Маънавий- маърифий ислоҳатларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора тадбирлари тўғрисидаги" қарорида, шунингдек, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳи билан учрашувида сўзлаган нутқида ёшлар онгида миллий ғояни шакллантириш, уларнинг маънавиятини юксалтириш, халқимизнинг ҳақиқий тарихини тиклаш каби масалалар илгари сурилган.

Зеро, таълим – тарбия тизимини соғлом инсонпарварлик йўналишида қайта ташкил этиш, уни замон талабалари даражасига кўтариш, баркамол, маънавий дунёси бой, ахлоқий пок инсонларни тарбиялаш кечиктириб бўлмайдиган давлат аҳамиятидаги вазифа бўлиб ҳисобланади.

Фикримизнинг ёрқин далили сифатида эса Президентимизнинг таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг давлатимиз, жамиятимиз учун зарур эканлигини исботлаб берган Биринчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида сўзлаган нутқини келтиришимиз мумкин.

Унда фарзанд тарбиясида оиланинг, оилага хос анъаналар, қадриятлар ва урф-одатларнинг бола тарбиясидаги роли аниқ кўрсатиб берилган: -- "энг муҳими, фарзандлар оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабаларини англайди, ҳис этади"—дейди Президентимиз ўз нутқида. Бунда фарзанд тарбиясида оиланинг, ота – онанинг, аτροφ-муҳитнинг роли катта эканлиги тасдиқланган.

Дарҳақиқат, оила инсонга инсонийлигини англатадиган, унинг келажагига мустақил замин яратадиган муқаддас маскан, таълим тарбия ўчоғидир.

Президентимизнинг "Миллий истиқлол мафқураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир" асарида эса бу ҳақда шундай дейилган: "Юртимиздаги ҳар бир инсон учун Ватан тушунчаси, аввало, оиладан бошланади. Шу боис оила мафкура тушунчалари чамбарчас боғлиқдир. Оиланинг жамиятдаги ўрни, тарбиявий – ахлоқий аҳамияти, кадр-

қимматини англаб етишдан, оилага миллат манфаати нуқтаи назаридан ёндошмасдан туриб, халқчил мафкура ярата олмаймиз."

Инсон тақдири оилага, оила таълим-тарбиясига бевосита боғлиқ бўлса, ўз навбатида оиладаги ўзаро муносабатларга атроф-муҳитнинг таъсири ўта муҳим. Зеро, мақсадимиз "кучли давлатдан – кучли жамият сари" экан бола тарбиясига жамиятнинг таъсирини ошириш лозим.

Жамиятнинг биринчи бўғининг ташкил этган оилаларнинг шароитларига келадиган бўлак, улар бир – бирисидан тубдан фарқ қилади. Шунингдек, улардаги болаларнинг ҳуқуқ атворига таъсир қилиш даражаси ҳам ҳар хилдир. Яъни бу таъсир қилиш ижобий ёки салбий маънода бўлиши мумкин. Буларнинг барчаси эса жамиятда хушёрликни талаб қилади. "Хушёрлик" деганда биринчидан атрофдагилар билан мулоқатда; иккинчидан, уларнинг нималар билан бандлиги; учинчидан, уларнинг ҳатти-ҳаракатлари келажак учун ижобийлиги ёки салбий оқибат олиб келадими? Президентимиз ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчларидан бири фарзандини саводли, касб -ҳунар эгаси қилишдан иборат эканлигини куйидагича таъкидлайдиган: -- "Ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчлари, ўзларининг охиратини обод этувчи қарзлари бор. Дину диёнатли хонадон оқсоқалларидан сўрасангиз, уларни лўнда қилиб санаб беради: яхши ном қўйиш, яхши мауллим қўлига топшириш, саводини чиқариш, илмли, касб -ҳунарли қилиш, бошини икки, уйли жойли қилиш"¹ дейди.

Албатта юқоридагиларнинг барчаси уларнинг ўз ўрнида бўлиши инсонни баркамоллик сари етаклайди.

«Туронзамину Шарқ оламининг, бутун инсониятнинг илм-фани, маданияти ва маърифати тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшган буюк мутафаккир, илк уйғониш даврининг қомусий алломаси бўлиб ҳисобланган Абу Наср Фаробийнинг уқтиришга, иложи бўлса олдин тарбия, сўнгра таълим берилиши лозим. Уйда, оиласида яхши тарбия кўрган бола ихлос ва ишонч билан таълим олишга, илм-фанни ўрганишга интилади.

¹ И.А. Каримов. Баркомол авлод орзуси. Т., Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2000 йил. 10 бет.

Агар ёшларда маънавий камолот зарур бўлса, уларда таълим олишга, ҳаётда ўзига муносиб ўрин эгаллашга иштиёқ суёт бўлади. Ана шуларни ҳисобга олиб, Фаробий аввал ёшларни тарбиялаб, меҳнат қилишга ўргатиб, касб - ҳунарни билдириб, кейин таълим бериш лозим», деб таъкидлайди.¹

У бу ҳақда яна шундай деган: -- "Ҳар ким илм ҳикматни деса, уни ёшлигидан бошласин, саломатлиги яхши бўлсин, сўзининг уддасидан чиқсин, ёмон шилардан сақласин, хиёнат, макр ва ҳийладан узок бўлсин, барча қонун қоидаларни билсин, билимдан ва нотик бўлсин илмли ва доно кишиларни ҳурмат қилсин, илм ва ақли илмдан мол – дунёсини аямасин, реал, моддий нарсалар тўғрисида билимни эгалласин"

Юқоридаги фикрлардан шу нарса маълум бўладики, инсон ҳамиша илм сари интилиб яшаши керак, шунингдек олган илмларини ҳаётда касбий фаолиятда, яратувчиликда фойдаланиши лозимдир. Зеро, ҳаёт ҳаракатдан иборатдир. Инсон ҳаётини фалокатга олиб келувчи нарса бу ҳам бўлса ҳаётда бирдан-бир инсон учун фойдали фаолият, касбу кор билан машғул бўлмасликдир. Ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчларини масъулият билан адо этиши нафақат фарзандининг келажаги учун, балки ўзининг ва жамиятнинг келажаги учун ҳам ижобий роль ўйнайди.

Амалдаги миллий қонунчилигимиз қоидаларига асосан, яъни конституциямизда ва оила кодексига ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчлари ва шу билан бирга фарзанднинг ота-она олдидаги бурчлари, уларнинг ҳуқуқий томонлари батафсил белгилаб қўйилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Мамлакатимиз ўз давлат мустақиллигини қўлга киритиши билан барча жавҳаларда бўлгани сингари таълим соҳасида ҳам ривожланиш учун қулай шарт-шароит ва муҳит яратилди. Бу эса ўз навбатида жамиятимиз буюк келажакка интилаётган давлатимиз зиммасига жуда катта вазифалар ва масъулият юклади. Президентимиз бу ҳақда шундай дейди: - "мана шунинг

¹ Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. Т., 1998. 130-134 бетлар

учун ҳам бугунги кунда биз бу масалага жиддий эътибор бермоқдамиз. Шунинг учун ҳам бу мақсадга қаратилган лойиҳаларимиз жамоатчилигимиз диққат эътибори марказига ўтмоқда, тарбия соҳаси ислоҳоти бугунги энг долзарб, эртанги тақдиримизни ҳал қилувчи муаммоларга айланмоқда."¹

Шунингдек, "жамият, халқ ва давлатнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти моддий-маънавий камолот, ўсиш-ўзгариш ва ривожланиши билан чамбарчас боғланган тақдирдагина беҳат тезлашади ва юксак самаралар беради. Юксак маънавият жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва бошқа муаммоларини ҳал этишнинг муҳим омилидир."¹

Дарҳақиқат, таълим тарбия эртанги тақдиримизни ҳал қилади, яъни фикрларимизни қуйидаги жумлаларда ифодаланишига ҳаракат қиламиз: деҳқон бу йил экин экса, бу йил ҳосилини олади, тарбиячининг эса, бугун берган тарбияси эртага миллионлаб инсонларга фойда келтириши мумкин, ёки аксинча инсониятнинг бошига фалокат келтириши ҳам мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳали давлат мустақиллигини қўлга киритмасданок Президентимиз кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратган эди: -"айтиш керакки кадрларни пухтароқ қилиб тарбияламасдан, уларнинг қадрига етмасдан, уларга ишонмасдан ва қўллаб қувватламасдан, ўйланманки, бирорбир соҳада аҳволни ҳеч қанақа тарзда ўзгартириб бўлмайди" деган эди.

Юқоридаги фикрлар баён қилинган даврлар собиқ шўро замони бўлиб, бу тизимда эса миллатни ёруғликка олиб чиқарувчи барча ҳаракат, ғоя ва гап гаплигича янаям аниқроғи, баркамол авлод ҳиқидаги орзулар орзулигича қолиб кетар эди. Бу ғояни амалга ошириш имкониятининг йўқлиги сабабли Ўзбекистон ҳам мафкуравий, ҳам иқтисодий жиҳатдан тобе эди.

¹ Каримов. И.А Баркамол авлод- Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.-, 2001 9 б.

Таълим соҳасининг ислоҳ қилиниши арафасида Президентимиз ўтган давр мобайнида амалга оширилган тадбирларни замон талаб қилаётган даражада эмаслигига алоҳида тўхталиб ўтган эди.

Бу биринчидан, эски шўролар давридан қолган таълим тарбия тазимида мафкуравий қарашларнинг ва сарқитларнинг ҳали ҳам мавжудлигида;

Иккинчидан, таълим тарбия ва ўқув жараёнини бир бири билан узвий боғлаш, яъни узлуксиз таълим тарбия тизимини ташкил қилиш муаммоларининг ўз ечими тополмай қолганлигида;

Учинчидан, Республикамиздаги амалдаги таълим тарбия тизимимиз бугунги замонавий, тараққий топган демократик давлатлар талабларига жавоб бера олмаслиги кўп жойларда яққол кўринётганлигида, шунингдек, мутахассис кадрлар тайёрлаш, таълим ва билим бериш тизими ҳаётимизда, жамиятимизда бўлаётган ислохотлар, янгиланиш жараёнлари талаблари билан яқинроқ боғланмаганлигида ҳам кўзга ташланиб турганилигини илмий жиҳатдан асослаб берган.

Шунингдек, таълим соҳасининг таълим тарбия жараёнининг кўтилгандек натижа бериши асосан ўқитувчига бориб тақалишини, яъни тарбиячининг савиясига, у қанчалик даражада замонавий билим, тажриба ва ушбу билим кўникмаларини ўқувчи онгига қай даражада ва қандай методларни қўллаш орқали етказиб бера олиши мумкинлигини жиддий муаммо эканлигини алоҳида таъкидлайди.

Дарҳақиқат, таълим жараёнида ўқитувчи етакчилик ролини ўйнайди.

ўқитувчи- бу таълим турлари учун давлат томонидан белгиланган Ўзбекистон узлуксиз таълимининг давлат таълим стандартлари доирасида таълим тарбия берувчидир.

ўқитувчи- (агар таълим тарбиянинг санъат деб қарайдиган бўлсак) "дережёр". Тарбияланувчилар эса бу жараёнда "ижрочилардир."

Шундай экан, таълим тарбия жараёнида ўқитувчининг роли катта бўлиб, "ўқитувчи ва мураббийларнинг ҳаётий талабларини қондириш,

уларни рағбатлантириш, уларни ўз иши ва касбидан мамнун бўлишини таъминлаш лозим" дир.

Ўқитувчи ва мураббийларнинг ҳаётий талаблари қондирилмас экан, уларни ўз касбидан мамнун бўлишларини таъминлаш қийиндир, яъни уларнинг меҳнати бир сўз билан айтганда кўтилгандек натижа бермайди.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрел қонуни билан фуқароларнинг меҳнатдаги самарали хизмати учун, давлат, ижтимоий ва ижодий фаолиятларини рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси "Ўзбекистон да хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси", "Ўзбекистон хизмат кўрсатган фан арбоби", "Ўзбекистон хизмат кўрсатган спорт устози" каби фахрий унвонларнинг таъсис этилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Мазкур фахрий унвонларни топшириш эса Президентимизнинг ваколатларидан биридир.

Президентимиз ислоҳот арафасида қилган нутқида мактабларнинг моддий базаси жуда ночор аҳволда эканлигини, биринчи навбатда қишлоқ жойлардаги аҳвол-вазият мисолида очиқ тан олишимиз кераклигини таъкидлаган ва бунга жуда долзарб масала сифатида қаради.

Қишлоқ болаларининг бугунги аҳволи қандай, уларда таълим жараёни қандай кечмоқда? Албатта, бу масалаларни юртбошимиз таъкидлаганидек "бирданига ечиш қийин, бу мисоллар босқичма-босқич"¹ амалга оширилиши лозимдир.

Президентимиз таълимни ислоҳ қилишда адабиётларнинг тутган ролига алоҳида эътибор қаратди. Дарсликлар "эски қолипда, мустабит даврида ёзилган"лигини бу эса ўз навбатида болаларнинг эркин фикр юрита олиш қобилиятларининг шаклланишига тўсиқ бўлишини исботлаб берган эди.

Халқаро ҳамкорликда хорижий тилларнинг тутган ўрни алоҳида бўлиб, хорижий тилларни ўрганишнинг аҳамиятини Президентимиз алоҳида таъкидлаб шундай деди:

¹ Каримов. И.А Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Т., шарқ 1999. 13 б

"Аmmo шунга алоҳида урғу беришимиз зарурки, чет тилларни ўрганиш минъбад она тилини эсдан чиқариш ҳисобига бўлмаслиги лозим". Зеро, "ўз фикрини мутлақо мустақил она тилида равон, гўзал ва лунда ифода эта олмайдиган мутахассиснинг раҳбар курсида ўтирганларни бугун тушуниш ҳам, оқлаш ҳам қийин."²

Ўзига ҳеч қандай чиройли шарҳ талаб қилмайдиган юқоридаги ғояларни ўқиб бугунги кунимиз учун ҳам аҳамиятлилига амин бўламиз.

Мустақил фикр юритиш демократиянинг муҳим кўринишларидан биридир, бу эса ўта долзарб масала бўлиб, болалиқдан ота-она, таълим муассасалари ва кенг жамоатчиликдан бу масалага катта масъулият талаб этади.

Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов ислоҳоти арафасида болаларнинг мактабда мустақил фикр юрита олишга эътибор бериш лозимлигининг аҳамиятини исботлаб шундай дейди: -"демократик жамиятда болалар умуман ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади."¹

Шу билан Президентимиз "демократия" билан "эркин фикр юритиш"нинг ажралмаслигига диққатимизни қаратади.

Зеро, жамиятда эркин фикр юритиш бўлмаса демак, демократия ҳам бўлмайди, ёки аксинча, булар бир-бири билан боғлиқ бўлган ғоялардир.

Шу ўринда бу хусусдаги муаммоларга бағишланган тадқиқотлар натижасини мисол тариқасида келтирамиз мамлакатимизнинг қишлоқ ўқувчиларидан "сиз ўзингизнинг бирорбир мисолга қарши ёки аксинча бўлган фикрингизни ўқитувчиларингизга айта оласизми" деб сўров берганимизда 45% «ҳа» деб жавоб беришди, қолган 55%и «йўқ» деб жавоб беришди. Шаҳар мактабларида эса бу кўрсаткич 60% «ҳа» жавобини берган бўлса, 40% "йўқ" деб жавоб беришди. Нима учун деб сўралганда эса, "барибир ўқитувчи ўзининг айтганини мақуллайди" агар қарши чиқсак баҳомиз пасайиб кетади деб жавоб беришди. Шу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, ўқувчиларнинг ҳуқуқий маданиятлилиги, уларнинг дарс

² Каримов. И.А. Баркамол авлод- Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., Шарқ, 1999 йил 13 бет.

¹ И.А.Каримов Баркамол авлод- Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент. Шарқ, 1999 йил 16 бет.

жараёнидаги ҳатти-ҳаракатларини белгилайди ва уларнинг ўз фикр мулоҳазаларини эркин ифодалай олишларини рўёбга чиқаради.

Республикамизда амалга оширилаётган ўзбек модели деб ном олган ислохотларнинг асосини ташкил этадиган беш тамойилнинг бирида ислохотларни босқичма-босқич ўтказиш ғояси илгари сурилган. Ҳозирги кунда мазкур тамойилнинг бизнинг ҳаётимизга қанчалик мос эканлиги барчамизга маълум.

Президентимиз Ислон Абдуғаниевич Каримов томонидан таълим тарбия соҳасида белгиланган ислохотларни ҳаётга тадбиқ қилишда ҳам юқоридаги босқичма-босқичлик ғояси тамойил сифатида белгиланади.

Бунда "ўтиш даври" бўлган биринчи босқич 1997-2001 йилларни ўз ичига олди.

Ўтиш даври дейилганда кўз олдимизга бир тузумдан, иккинчи тузумга, бир кўринишдан иккинчи кўринишга ўтиш ва ҳоказолар келади. Аммо таълим соҳасидаги ўтиш даври таълим соҳаси учун бутунлай янги даврнинг, янги шароитларнинг бошланишини кўз олдимизга келтирамиз. Бу даврда кадрлар тайёрлаш тизимининг «салоҳиятини сақлаб қолиш, унинг ривожланиши учун ҳуқуқий- меъёрий, илмий-методик молиявий-моддий шарт шароитлар яратиш лозим»¹ лигини илгари сурди.

Иккинчи босқич – 2001-2005 йилларни ўз ичига олиб, "бунда Миллий дастурни кенг миқёсда тўлиқ амалга оширишга эришиш" ғояси илгари сурилган.

Албатта, бунда биринчи ўринда таълим фаолиятининг самарадорлигини ошириш, меҳнат бозорининг эҳтиёжларини ҳисобга олиб, шунингдек ижтимоий-иқтисодий шароитлардан келиб чиқиб, дастур ғоялари ва қоидаларига керакли ўзгартиришлар киритилиши лозимлиги таъкидланган.

Учинчи босқич – 2005 йил ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган бўлиб, унда тўпланган тажрибаларни таҳлил этиш ва умумлаштириш

¹ Каримов И.А Баркамол авлод- орзуси. -Т., 2000 Ўз. Миллий энциклопедияси. 22 бет

асосида ўзгарувчан ижтимоий –иқтисодий шарт-шароитларни эътиборга олган ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш зарурлиги таъкидланган. Бунда Президентимиз миллий дастур қоидаларини амалга оширишда "шошилмаслик", "оғишмаслик", "изчиллик" каби ғояларга эътиборни қаратган. Мазкур ғояларга амал қилингандагина умумий маданиятни юксалтиришимиз, ёшларнинг жамиятда ўз муносиб ўрнини топишига хизмат қила олишимиз мумкин дейди.

Президентимиз таълим тизимининг асосий босқичини ташкил этувчи узлуксиз таълим тизимига алоҳида эътибор бериш лозимлигини, умумтаълим дастурларини эса мактабгача тарбия, бошланғич умумий таълим ва мактабдан ташқари таълим тарзида тузиш, мақсадга мувофиқ бўлади дейди. Олий таълимни бакалаврлик ва магистратурага бўлиниши зарур деб ҳисоблайди ва юртбошимиз уларни қуйидагича белгилаб берди: "бакалаврлик йўналишларидан бири бўлиб, базавий олий таълим бериш демакдир ва ўқиш муддатининг камида 4 йил давом этиши, олий маълумот ва таянч мутахассислик дипломи олиш билан тугайди; магистратура эса аниқ мутахассислик бўйича олий касбий таълим бўлиб, бакалаврлик негизида камида икки йил давом этади, ундаги таҳсил эса магистрлик диссертациясини ҳимоя қилиш билан ниҳоясига етказилади"¹ деб белгиланди.

Шунингдек, олий таълимнинг яқунловчи босқиси сифатида асперантура ва докторантурани белгилади.

Президентимиз касбий таълим – қайта тайёрлаш ва малака ошириш масаласига ҳам катта эътибор берди. Дарҳақиқат, бу ўта долзарб масала бўлиб, бусиз мамлакат кадрларининг сифати бўлмайди.

Президентимиз таълим тарбия тизимини ислоҳ қилаётганда бир муҳим масалага катта эътибор беришимиз лозимлигини таъкидлади, яъни олимларнинг фикрига кўра, нормал ривожланган болаларни 6 ёшдан

¹Каримов И.А Баркамол авлод- Ўзбекистон тараққийнинг пойдевори. -Т., «Шарқ», 1999 й, 25 бет

мактабга қабул қилиш уларнинг ақлий, руҳий ва жисмоний камолати, ўқув дастурларини яхши ўзлаштиришда ижобий самара бериши мумкинлигини, шунингдек болалар 6 ёшдан ўқишга қабул қилишда уларни ҳар бирига алоҳида ёндашиш, биринчи навбатда уларнинг саломатлиги ва зеҳни, шуури қай даражада шаклланганлиги эътиборга олиниши кераклигига эътибор қаратган.

Шу ўринда мутахассислар ўтказган илмий тадқиқотларга кўра Республикамизда болаларнинг 10-30%и юқори айтилган сабабларга кўра, 6 ёшдан мактабга тайёр эмаслиги, бу ўринда айрим қишлоқ шароитида ўсаётган болаларнинг тахминан 50%и мазкур сабабга даҳлдорлиги, буларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда болаларни 6-7 ёшдан мактабга қабул қилиш (уларнинг жисмоний ва ақлий етуқлигини эътиборга олган ҳолда) мақсадга мувофиқ деб¹ белгиланади.

Иккинчи турдаги уч йиллик ўқув юртлари, яъни касб ҳунар ўқув юртлари, замонавий касб ҳунар бера олиши билан олдинги ПТУ лардан тубдан фарқ қилиши керак, бу ҳақда Президентимиз Ислон Абдуғаниевич Каримов шундай дейди: - "ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос, жуғрофий, этник хусусиятларидан ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, болаларнинг ота-оналари бағрида ўқиши касб ҳунар эгаллаши ва шу билан бирга, бу билим юртлари ўша ҳудуднинг маданий маърифий марказига айланиши лозим"

Юқоридаги фикрларга асосланиб шуни таъкидлаш лозимки Президентимиз илгари сурган "ҳар ҳудуднинг ўзига хос, жуғрофий, этник хусусиятларидан келиб чиқиши" ўта долзарб муаммодир.

Тараққий этган мамлакатларнинг таълим соҳасидаги тажрибаларини ўрганар эканмиз, шунга амин бўлдики, айниқса Германия, Япония каби мамлакатларда касб ҳунар таълимини егалловчилар асосан ўзлари яшаётган ҳудудлардаги кадрларга бўлган эҳтиёжларидан келиб чиқиб таълим олишади. Бу эса албатта ишсизликнинг олдини олади, шунингдек, айрим

¹ Юқоридаги манба. 26-бет.

² Юқоридаги манба. 28-бет.

тармоқлардаги (ишлаб чиқаришнинг) кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондиради.

Президентимиз Ислон Абдуғаниевич Каримов "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни амалга оширишнинг мураккаб томонларидан бири сифатли ўқитувчи кадрлар масаласи эканлигини илгари сурган. Дарҳақиқат, ўқитувчилар уларнинг сифати, жаҳон тажрибаларига асосланган янги ўқув дастурларини амалга оширишга тайёрлиги масаласи ўта долзарб муаммодир. Ушбу муаммони ечиш учун Педагогика институтлари ва университетларида 3 йиллик билим юртлари учун ўқитувчиларни тайёрлайдиган махсус факультетларни ташкил этиш лозим, вилоятларда (ҳар бир) эса 3 йиллик билим юртларида ишлаши мумкин бўлган мактаб ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни йўлга қўювчи алоҳида марказлар очиш зарурлигини Президентимиз таъкидлаган эди.

Ва ниҳоят, таълим тарбия соҳасини тубдан ислоҳ қилишда, давлат бюджети миқдори (қўшимча сарф харажатларнинг ҳажми ўтиши даврининг ўзида тахминан 65 миллиард сўмни ташкил этиш)ни белгилайди.

Президентимиз мамлакатимиз фуқороларининг ҳар бирининг қалбида Миллат, Ватан, Халқ истибоқли каби муқаддас ғояларнинг ўрин олиши лозимлигини шундай ифодалайди: -"Бизнинг авлодларимиз ҳамиша узоқни кўзлаб яшаган, Миллат, Ватан, Халқ истибоқли даган муқаддас тушунчалар ҳамма вақт қалбимизнинг тўрида жой олиб, ҳар биримизнинг қалбимизда онгимизда, чарх уриб туриши даркор.

Чинакам халқ бўлсак, чинакам миллат бўлсак, улкан, қудратли дарёга айланайлик, фарзандларимизга ўзгалар ҳавас қиладиган озод ва обод ватан қолдирайлик."¹

Биз мамлакатимиз президенти Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасини ислоҳ қилишга қаратилган ғояларини илмий жиҳатдан ўрганиб чиқиб қуйидагича хулосага келдик:

¹ И.А.Каримов Баркамол авлод орзуси. – Т., Ўзбекистон миллий энцок. 2000 йил 30 бет

Президентимиз Ислом Абду-ганиевич Каримов Республикамиз таълим соҳасининг ислоҳ қилиниши ижодкори ва ташаббускоридир.

Шу ўринда Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг мамлакатимиз ёшлари тўғрисида жон кўйдириб, уларнинг келажаги ҳақида қайғурини қуйидаги жумлалардан билиб олишимиз мумкин: -"мен замонавий фикрлайдиган, ватанга садоқат руҳида тарбия олаётган, жаҳон тараққиёти ва маданияти билан ҳамдард бўлишга интилаётган юз минглаб ёшларимиз билан бир қаторда ҳали шу даражага етмаган қанчадан-қанча фарзандларимиз ҳам борлигини ўйласам, олдимизда нақадар катта муаммолар турганини яққол тасаввур этаман."²

Ўзбек халқининг жонкуяр фарзанди, жамиятимизнинг тараққиёт йўллари олдидан кўра билувчи, барча соҳалардаги ислоҳатларнинг асосчиси И. А. Каримовнинг таълим соҳасини ислоҳ қилишдаги бебаҳо хиссасини ўрганиб чиқар эканмиз, Президентимизнинг жамиятимизда миллий ғояни шакллантириш тўғрисидаги қуйидаги фикрларни килтириб ўтиш жоиз деб топдик: - "Бу ҳақда ўйлаганда мени бир савол қийнайди. Нега энди шўро ҳукумати ўз сохта ғояларини омма онгига сингдира оларди-ю, биз эса халқимизнинг асл манфаатларини ифодалайдиган, унинг фаравон турмуши ва бахтли келажаги учун хизмат қиладиган ҳаққоний миллий ғояларни одамларимиз онгига сингдира олмаймиз?"

Менимча, бунинг сабаби шундаки биз демократик жамият қураб эканмиз, мафкуравий зўровонликни рад этдик. Биз кишиларнинг сиёсий онги, дунёқарашини бошқариш эмас, балки бойитиш, юксалтириш инсонийлик руҳида умумжаҳоний меъёрлар асосида тарбиялаш йўлидан бордик"¹

Дарҳақиқат, қарийиб 70 йил халқимиз мафкуравий ҳукумронлик занжирида яшади. Бу давр мафкуравий ҳукумронлик барча соҳада ҳукумронлик қилгани сингари таълим соҳасини ҳам эгаллаб олган эди.

² И.А.Каримов Баркамол авлод орзуси. – Тошкент., Ўзбекистон миллий энцок. 2000 йил 72 бет

¹ қаранг. Юқоридаги манба. 74 бет.

Президентимиз И.А. Каримовнинг таълим соҳасини ислоҳ қилишга қаратилган нутқлари, илмий асарларини ўрганиб, назарий жиҳатдан таҳлил қилиш асосида қуйидагиларни бугунги кунимиз учун ўта зарур деб ажратдик:

Биринчи, Қонун устунлиги бизнинг ислоҳатлар моделimizдаги етакчи тамойилдир. У ҳуқуқий давлатнинг асосий мезонларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Иккинчи, Таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ислоҳатларни ҳаётга тадбиқ этишда босқичма- босқич ўтказиш принципларининг қўйилганлиги.

Учинчи, таълим соҳасида ўқув жараёнини инсонпарварлаштириш.

Тўртинчи, тарбияланувчиларда эркин фикрлаш қобилиятини шакллантириш ва ривожлантириш.

Бешинчи, таълим турларини танлашда эркинлик.

Олтинчи, таълимни ислоҳ қилиш давлатимизнинг устивор вазифасидир.

Еттинчи, таълим соҳасини ислоҳ қилишда ҳалқаро ҳамкорликка эътибор қаратиш каби долзарб масалалар.

Президентимиз И.А. Каримов ўзининг ажойиб таҳлил қобилияти, келажакни олдиндан кўра олиши, нозик хис этиш истиснодига эга эканлигини қуйидаги фикрлар орқали яққол тасаввур қила оламиз: яъни, кадрлар тайёрлаш миллий дастурида назарда тутилган вазифалар тўлиқ амалга ошган тақдирда улар:

Биринчидан, "Ижтимоий сиёсий иқлимга таъсир қилади ва натижада мамлакатимиздаги мавжуд муҳит бутунлай ўзгаради;

Иккинчидан, таълимнинг янги модели ишга тушгач инсоннинг ҳаётдан ўз ўрнини топиши тезлашади;¹

Учинчидан, таълимнинг янги модели жамиятимизда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келади. "ўзининг қадр

¹ қаранг. И.А.Каримов. Миллий давлатчилик, истиклол мафқураси ва ҳуқуқий маданият туғрисида. –Т; 1999 й 462 бет.

қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўламиз. Ана шундан кейин онгли турмуш кечириш жамият ҳаётининг бош мезонига айланади"² дейди Президентимиз.

Тўртинчидан эса таълимнинг янги модели жамиятимизнинг потенциал кучларини рўёбга чиқаришда жуда катта аҳамият касб этади. Шу ўринда ҳар бир инсонда муайян даражада интеллектуал салоҳият мажудлигини такидлайди.

Шунингдек, Президентимиз И.А.Каримов "Агар Шу ички қувватнинг тўлиқ юзага чиқиши учун зарур бўлган барча шарт –шароит яратилса, тафаккур ҳар хил қотиб қолган эски тушунчалар ва ақидалардан ҳалос"³ бўлишини таъкидлайди.

Бешинчидан, "Биз фуқаролик жамият қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бу соҳада дастлабки, аммо муҳим қадамлар қўйилди. Ишончим комилки, вақти соати келиб, бугунги ўтиш даври учун зарур бўлган кучли давлат функциялари ва аломатлари аста секинлик билан тадрижий равишда кучли жамият зиммасига ўтади"¹, дейди.

Шунингдек, "Биз бир нарсани яхши англаб олишимиз керакки, умумий ва махсус билимларга эга, онги тафаккури ҳар хил тизимларда озод, замонавий дунёқараш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ворис бўлган инсонларгина фуқаролик жамиятини барпо этишга ва уни янада такомиллаштиришга қодир бўлади"²

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда.

I.2.§. «КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ» НИНГ ЯРАТИЛИШИ

Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов таъкидлаганидек, билим ва тарбиянинг сифати, ўқувчилар олаётган ихтисос мутахассислиги, шу билан бирга, тарбиячи-ўқитувчилар малакасининг пастлиги бу билим юртларининг умуман бугунги кун талабига жавоб бермаслиги каби муаммолар «Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури»нинг яратилишига сабаб бўлди.

Маълумки, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури», «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларига мувофиқ ҳолда тайёрланган бўлиб, миллий тажрибамизнинг таҳлили ва таълим тизимидаги жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган, ҳамда юксак умумий ва касб-ҳунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликни,

ижтимоий ва сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш махоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилгандир.

Шунингдек, мазкур дастур кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқаришни, ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-хунар дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педогогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратишни, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутди.

Миллий Дастурда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш омилларида ривожланишнинг эришилган даражасига алоҳида эътибор қаратилган, унда Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигига эришиб, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг ўзига хос йўлининг танланганлиги кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини қайта ташкил қилишни зарур қилиб қўйганлиги ва худди шу ўринда қатор чора-тадбирлар кўришни яъни:

биринчидан, «Таълим тўғрисида»ги Қонунни жорий қилишни (1997 йилги);

иккинчидан, янги ўқув режалари, дастурлари, дарсликларни жорий этишни, замонавий дидактик таъминотни ишлаб чиқишни;

учинчидан, ўқув юр்தларини аттестациядан ўтказишни ва аккредитациялашни, янги типдаги таълим муассасаларини ташкил этишни талаб этаётганлигидир.

Мактабгача таълим соҳасида уйларда ташкил этиладиган болалар боғчалари ва «Болалар боғчаси мактаб» мажмуи тармоғи ривожланиб бормоқда. Бунда болаларга чет тиллар, хореография, тасвирий ва мусиқа санъати, компьютер саводхонлиги асосларини ўргатувчи 800 дан ортиқ гуруҳ ташкил қилинган. Натижада янги типдаги мактаблар ва умумтаълим ўқув юр்தлари тармоғи ривожланиб бормоқда эди ва ислоҳот арафасида эса 238 лицей ва 136 гимназия фаолият кўрсатмоқда эди. «Соғлом авлод учун»,

«Маънавият ва маърифат», «Иқтисодий таълим», «Қишлоқ мактаби», «Ривожланишда нуқсонни бўлган болаларни тиклаш» ва бошқа тармоқ дастурлари рўёбга чиқарила бошлади. Республикамиз умумтаълим мактабларида эса 435 мингдан ортиқ ўқитувчи ишламоқда эди, уларнинг 73% олий маълумотга эга эдилар.

Меҳнат бозорини, айниқса қишлоқ жойларда меҳнат бозорини шакллантиришнинг ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳунар-техника таълимини қайта ташкил этишга киришилди. Ислоҳот арафасида бу тизимда жами 221 минг кишини таълим билан қамраб олган, 442 ўқув юрти, шу жумладан 209 касб-ҳунар мактаби, 180 касб-ҳунар лицейи ва 53 бизнес мактаб фаолият кўрсатмоқда эди. Бошланғич касб-ҳунар таълими ўқув юртларида эса қарийб 20 минг ўқитувчи ва малакали мутахассислар ишламоқда эди.

Республикамизда жами 197 минг киши таълим олаётган 258 ўрта касб-ҳунар таълими ўқув юрти фаолият юритарди. Уларда эса деярли 16 минг ўқитувчи ва муҳандис-педагог ходимлар меҳнат қилишарди.

Ўзбекистон Олий Таълим тизимиغا назар ташлайдиган бўлсак 58 олий ўқув юртини, шу жумладан 16 университет ва 42 институтни ўз ичига олган, уларда 164 минг талаба таълим олмоқда эди; 16 университетнинг ўн иккитаси Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки икки йилда ташкил топган. Олий ўқув юртларида ишлаётган 18,5 минг ўқитувчининг 52 % фан доктори ва фан номзодлари эдилар.¹ Олий таълимда кадрлар тайёрлашни марказлаштиришдан ҳудудий йўналишга ўтказиш иши олиб борилди. Бунда ўқув юртларининг тармоғи кенгая бошлади, университет таълими ривожланди. Билимларнинг янги тармоғлари бўйича кадрлар тайёрлаш бошлаб юборилди, олий мактабни кўп босқичли тизимга ўтказиш амалга оширилди. Абитуриентлар ва талабалар билим даражасини тест ва рейтинг асосида баҳолашнинг илғор усуллари жорий этила бошлади.

¹ «О образование» (статис. сборник). -Т., 1998г. Ст. 25

Олий малакали илмий ва илмий - педагог кадрлар сифатига ошган талабларга мувофиқ аспирантура ва докторантурада кадрлар тайёрлаш иши кенгая бошлади. Республикамизда ислохот арафасида қарийб 4000 аспирант бўлиб, улардан 69 % олий таълим тизимида ва 31 % эса илмий тадқиқот институтларида таълим олишаётганлигини таъкидлаш жоиз. Жами илмий ва илмий педагог кадрларнинг 8%ини фан докторлари ва 37% ини фан номзодлари ташкил этарди.²

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимида 23 институт, 16 факультет, 4 марказ ва 14 малака ошириш курслари иш юритарди.

Шунингдек, иқтидорли болалар ва ўқувчи ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсати собитқадамлик билан иш олиб бормоқда эди. Ислохот арафасида истеъдодли ўсмир ва қизларни излаб топиш, уларга кўмаклашиш, уларнинг қобилияти ва истеъдодини ўстириш бўйича махсус фондлар ташкил этилди, қобилиятли ёшларни чет эллардаги етакчи ўқув юртлари илмий марказларида ўқитиш ва стажировкадан ўтказиш йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, фан ва таълим соҳасида халқаро алоқалар кенгайиб бормоқда эди. Юқоридаги мувафаққиятларга қарамасдан содир этилган ўзгаришлар кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, мамлакатни ижтимоий иқтисодий ривожлантириш талабларига тўлиқ жавоб бера олмас эди.

Шу ўринда Миллий Дастурда кўрсатиб ўтилган камчиликлар ва муаммоларга эътибор берайлик.

Жумладан, унда шундай дейилган. Кадрлар тайёрлаш тизимининг демократик ўзгаришлар ва бозор ислохотлари талабларига жавоб бермаслиги, ўқув жараёнининг моддий техника ва ахборот базаси етарли эмаслиги, юқори малакали педагог кадрларнинг етишмаслиги, сифатли ўқув-услубий ва илмий адабиёт ҳамда дидактик материалларнинг камлиги, таълим тизими, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида пухта ўзаро ҳамкорлик ва

² «О образование» (статис. сборник). -Т., 1998г. Ст. 25

ўзаро фойдали интеграциянинг йўқлиги кадрлар тайёрлашнинг мавжуд тизимдаги жиддий камчиликлар сирасига киради.

Таълим-тарбия ва ўқув жараёнларининг таркибини, босқичларини бир-бири билан узвий болаш, яъни узлуксиз таълим-тарбия тизимини ташкил қилиш муаммолари ҳал қилинган эмас эди. Амалдаги таълим тизими замонавий тараққий топган демократик давлатлар талабларига жавоб бера олмаётган эди.

Мутахассис кадрлар тайёрлаш, таълим-тарбия тизими жамиятда бўлаётган ислоҳатлар ва янгилашни жараёнлари билан болашмаган эди. Мактабгача таълим ва тарбия аҳоли қониқарсизлигича қолмоқда эди. болача ёшидаги болаларнинг 25 фоизини мактабгача тарбия муассасаларига қамраб олинди, холос.

Мактабгача тарбия муассасаларидан ва оиладан мактабга келган болаларнинг тайёргарлик даражаси ўртасида катта тафовутлар мавжуд эди.

Мактабларда ва бошқа ўқув юртларида таълим жараёнининг ўзидаги ва ўқитиш услубиётидаги ҳар хил камчиликлар оқибатида билим беришда юзага келган нодемократик ва жамият учун зарарли муҳит шунга олиб келдики, ўқувчиларда мустақил фикрлаш ривожланмай қолди, оқилона ҳаётий ечимлар қабул қилиш учун етарли тайёгарлик йўқ эди. 9-11 синфларни тамомлаган ёшлар мустақил ҳаётда ўз ўрнини аниқлай олмади қолиш ҳоллари мавжуд эди.

Таълим соҳасининг асосини қамраб олувчи ўқув жараёни билим даражаси ўртача бўлган ўқувчиларга мўлжалланган бўлиб, таълимнинг иқтидорли ёшлар билан яқка тартибда ўқув дастурлари бўйича ишлаш каби механизмлардан яхши фойдаланилмаётганди. ўқув дастурлари мафкуравий сарқитлардан тўлиқ ҳоли бўлганича йўқ эди. Маънавият, ахлоқ асосларини ўргатувчи, иқтисодий, ҳуқуқий, эстетик билимларни берувчи фанларга етарлича ўрин берилмаганди.

Ҳунар-техника билим юртларидан янги типдаги таълим муассасаларига ўтиш кўпроқ оғизда бўлиб, амалда эса уларда таълимнинг

эскириб қолган моддий-техника ва ўқув-услугий базасида, тегишли қайта тайёргарликдан ўтмаган ўқитувчи кадрлар билан амалга оширилиб келаётганлиги кўрсатиб берилган.

Олий таълим тизимига назар ташлайдиган бўлсак бир босқичли олий таълим меҳнат бозори эҳтиёжларини ишлаб чиқишдаги таркибий ўзгаришларни ва илғор халқаро тажрибани тўлиқ ҳажмда ҳисобга олмаётган эди. ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишда ўқув юртлари етарлича мустақиликка эга эмас эди. Ва улар касбий меҳнат бозорининг ўзгарувчан шароитларига яхши мослаша олмаётганди.

Илмий муассасалар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий институтлар кадрларни тайёрлаш жараёнига етарли даражада қўшилмаганди. Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, таълим муассасаларини Давлат аттестацияси ва аккредитациясидан ўтказиш вазибалари белгилаб олинмаган, ўқувчиларнинг билиш даражасини баҳолаш тизими объективлик ва тезкорликни таъминлай олмаётганлиги намоён бўлмоқда эди.

Касб-ҳунар таълимининг обрўйи ва ўқитувчилар, тарбиячилар ва мураббийларнинг, илмий ва илмий педагог кадрларнинг ижтимоий мақоми пасайиб борди. Таълим хизмати кўрсатиш ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетинг мавжуд эмас эди, таълим тизимини кўп вариантли молиялаш схемаси ишлаб чиқилмаганди. Олий малакали кадрлардан самарали фойдаланилмади. Кадрлар билими ва улар тайёргарлигининг сифатини назорат қилиш баҳолаш тизими қониқарсиз ишлаётган эди.

Ўқитувчилар, педагоглар ва тарбиячиларнинг каттагина қисми яхши тайёргарлик кўрмаганлиги, уларнинг билим ва касб савияси пастлиги жиддий муаммо бўлиб қолмоқда эди, шунингдек, малакали педагог кадрлар етишмаслиги сезилмоқда эди. Мактабгача таълим соҳасидаги жами тарбиячи ва педагогларнинг атиги 20%и олий маълумотли эди. Мактабларнинг ўқитувчилар билан таъминланганлиги ўртача 93%ни ташкил

этган ҳолда, бу кўрсаткич айрим вилоятларда 77-88% дан, муайян фанлар бўйича эса 50% дан ошмади.

Бундан ташқари, илмий-педагог кадрларнинг ўртача ёши улғайиб бормокда эди. Жумладан, Республикамиз Олий ўқув юртларида қирқ ёшга тўлмаган фан докторлари жами фан докторларининг 0,9% ини, 50 ва ундан катта ёшдагилар эса 79% ини ташкил этарди. Фан докторлари илмий даражасига тасдиқланганлар ўртача 50, фан номзодлари эса 36 ёшлилардан иборат эдилар.

Кадрлар тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг муҳим омиллари эса қуйидагилардан иборатдир:

Биринчидан, республиканинг демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти қуриш йўлидан изчил илгарилаб бораётганлиги;

Иккинчидан, мамлакат иқтисодиётида туб ўзгаришларининг амалга оширилиши, республика иқтисодиёти асосан хом ашё йўналишидан рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш йўлига изчил ўтаётганлиги, мамлакат экспорт салоҳиятининг кенгаётганлиги;

Учинчидан, давлат ижтимоий сиёсатида шахс манфаати ва таълим устуворлиги қарор топганлиги;

Тўртинчидан, миллий ўзликни англашнинг ўсиб бориши, ватанпарварлик, ўз ватани учун ифтихор туйғусининг шаклланаётганлиги, бой миллий маданий-тарихий анъаналарга ва халқимизнинг интеллектуал меросига ҳурмат;

Бешинчидан, Ўзбекистон нинг жаҳон ҳамжамиятига интеграцияси, республиканинг жаҳондаги мавқеи ва обрў-эътиборининг мустаҳкамланиб бораётганлиги. Дастурнинг мақсад ва вазифалари хусусида сўз юритадиган бўлсак "Миллий Дастурнинг мақсади ва вазифалари ва уни рўёбга чиқариш босқичлари" деб номланган бўлимида дастурнинг мақсад ва вазифалари белгиланган бўлиб унда жумладан мазкур дастурнинг мақсади тўғрисида шундай дейилган: Мазкур дастурнинг мақсади таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан

тўла ҳалос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишдир.¹

Ушбу мақсадни рўёбга чиқариш учун қуйидаги вазифалар ҳал этилишини назарда тутуди яъни, «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ таълим тизимини ислоҳ қилиш, давлат ва нодавлат таълим муассасалари ҳамда таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш негизида таълим тизимини ягона ўқув-илмий ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожлантиришни таъминлаш;

таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга оширилаётган янгиланиш, ривожланган демократик ҳуқуқий давлат қурилиши жараёнларига мослаш;

кадрлар тайёрлаш тизими муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, педагогик фаолиятнинг нуфузи ва ижтимоий мақомини кўтариш;

кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда қайта қуриш;

таълим оловчиларни маънавий ахлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

таълим ва кадрлар тайёрлаш, таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитация қилиш сифатига баҳо беришнинг холис тизимини жорий қилиш;

янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда таълимнинг талаб қилинадиган даражаси ва сифатини, кадрлар тайёрлаш тизимининг амалда фаолият кўрсатиш ва барқарор ривожланишининг кафолатларини,

¹ Ўзбекистоннинг янги қонунлари. -Т., "Адолат". 1998 й. 10-бет.

устуворлигини таъминловчи норматив, моддий- техника ва ахборот базасини яратиш;

таълим, фан ва ишлаб чиқариш самарали интеграциялашувини таъминлаш, тайёрланаётган кадрларнинг миқдори ва сифатига нисбатан давлатнинг талабларини, шунингдек нодавлат тузилмалари, корхоналар ва ташкилотларнинг буюртмаларини шакллантиришнинг механизмларини ишлаб чиқиш;

узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимига бюджетдан ташқари маблағлар, шу жумладан чет эл инвестициялари жалб этишнинг реал механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

кадрлар тайёрлаш соҳасида ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурда дастурнинг мақсад ва вазифалари босқичма – босқич рўёбга чиқарилиши белгилаб берилган.

Биринчи босқич (1997-2001 йиллар) ушбу даврда нималар яъни қандай ишлар қилиниши керак? Бу даврда мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш асосида ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун шарт –шароитлар яратиш лозим.

Шунингдек, мазкур босқичда қуйидагиларни амалга ошириш зарур: «Таълим тўғрисида»ги қонунга мувофиқ таълим тизими мазмунини таркибий қайта қуриш ва тубдан янгилаш;

педагог ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишни замон талабларига жавоб берадиган даражада ташкил этиш;

таълим олувчиларнинг юксак тайёргарлик даражаси, малакаси, маданий ва маънавий ахлоқий савиясининг сифатига нисбатан қўйиладиган зарур талабларини белгилаб берувчи давлат таълим стандартларини яратиш ва жорий этиш;

ўқув-услубий мажмуаларнинг ҳамда таълим-тарбиянинг дидактик ва ахборот таъминотининг янги авлодини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

ўрта махсус, касб-хунар таълими учун зарур моддий-техника, ўқув-услубий ва кадрлар базасини тайёрлаш;

таълим ва кадрлар тайёрлашга бюджетдан ташқари маблағлар жалб этишнинг механизмларини такомиллаштириш, давлат таълим муассасалари билан бир қаторда нодавлат таълим муассасаларини ривожлантиришни ҳам назарда тутган ҳолда, таълим хизмати кўрсатиш алоҳида рақобатга асосланган муҳитини вужудга келтириши, таълим муассасалари фаолиятига баҳо беришнинг рейтинг тизимини, кадрлар тайёрлаш сифати ва уларга бўлган эҳтиёжнинг мониторингини олиб бориш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

халқаро алоқаларни кенгайтириш ва кучайтириш, кадрлар тайёрлашда халқаро донорлик ташкилотлари ва фондлари фаолиятига тегишли шароитлар яратиш, шунингдек Республика таълим соҳасида чет эл инвестицияларини жалб этиш бўйича реал чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш;

Ниҳоят "Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури"ни рўёбга чиқаришнинг мониторингини олиб бориш.

Ушбу босқичда болаларни 6-7 ёшдан мактабга қабул қилиш уларни жисмоний ва ақлий жиҳатдан ривожланганлигини эътиборга олган ҳолда амалга оширилади.

1-босқич бажарилишини мониторинги асосида Миллий дастурни рўёбга чиқариш йўналишларига аниқликлар киритилади.

2-босқич (2001-2005 йиллар) Миллий дастурни тўлиқ рўёбга чиқариш, меҳнат бозорининг ривожланиши ва реал ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда унга аниқликлар киритиш назарда тутилган.

Мажбурий умумий ўрта ва ўрта-махсус, касб-хунар таълимига, шунингдек ўқувчиларнинг қобилиятлари ва имкониятларига қараб табақалаштирилган таълимга ўтиш тўлиқ амалга оширилади.

Таълим муассасаларини махсус тайёрланган малакали педагог кадрлар билан тўлдириш таъминланади, унинг фаолиятида рақобатга асосланган муҳит вужудга келтирилади.

Таълим муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлаш давом эттирилади, ўқув-тарбия жараёни юқори сифатли ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таъминланади, шунингдек узлуксиз таълим тизимини ахборотлаштириш амалга оширилади.

Таълим хизмати кўрсатиш бозорини шакллантириш механизмлари тўлиқ ишга солинади.

3-босқич (2005 ва ундан кейинги йиллар)да эса асосан тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш лозим.

Шунингдек, таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базалари янада мустаҳкамланади, ўқув-тарбия жараёни янги ўқув-услубий мажмуалар, илғор педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминланади.

Миллий (элита) олий таълим муассасаларини қарор топтириш ва ривожлантириш амалга оширилади. Касб-ҳунар таълими муассасаларида мустақил фаолият юритиш ва ўзини -ўзи бошқариш шакллари мустаҳкамланади.

Таълим жараёнини ахборотлаштириш, узлуксиз таълим тизими жаҳон ахборот тармоғига уланадиган компьютер ахборот тармоғи билан тўлиқ камраб олинади.

Кадрлар тайёрлашнинг миллий модули ўзининг асосий таркибий қисмларига эгадир, яъни:

Шахс кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларининг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчидир. Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсатига назар ташлайдиган бўлсак, у инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жихатдан тарбиялаш билан

узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахс, фуқарони шакллантиришни назарда тутди. Шу тариқа фуқаронинг энг асосий конституциявий ҳуқуқларидан бири-билим олиш, ижодий қобилиятни намоён этиш, интеллектуал жиҳатдан ривожланиш, касб бўйича меҳнат қилиш ҳуқуқи рўёбга чиқарилади.

«Таълим тўғрисида» ги Қонун умумий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олиш, шунингдек таълим ва касб-ҳунар жиҳатидан тайёргарлик шакллари ва турларини танлашни, узлуксиз малака ошириб бориш, зарурат тақозо этса, тегишли қайта тайёргарликдан ўтиш ҳуқуқини ва кенг имкониятларини назарда тутди.

Таълим хизматларининг истеъмолчиси сифатида шахсга давлат таълим стандартлари орқали сифатли таълим олиш ва касб-ҳунар тайёргарлиги кўриш кафолатланади.

Таълим олиш жараёнида эса шахс давлат таълим стандартларида ифода этилган талабларни бажариши шарт.

Шахс таълим хизматларининг яратувчиси сифатида эса тегишли малака даражасини олгач, таълим, моддий ишлаб чиқариш, фан маданият ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатади ва ўз билими ва тажрибасини ўргатишда иштирок этади.

Давлат ва жамият - миллий моделнинг иккинчи таркибий қисми ҳисобланиб - у таълим ва кадрлар тайёраш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафилларидир.

Шунингдек, давлат ва жамият кадрлар тайёрлаш тизими амал қилиши ва ривожланишининг кафиллари, юқори малакали рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш бўйича таълим муассасалари фаолиятини уйғунлаштирувчи сифатида фаолият кўрсатади.

Давлат ва жамият қуйидагиларга:

а) фуқароларнинг билим олиш, касб танлаш ва ўз малакасини ошириш ҳуқуқлари рўёбга чиқарилишига;

- б) мажбурий умумий ўрта таълим ва академик лицей ёки касб-ҳунар коллежида таълим олиш йўналишини танлаш ҳуқуқи асосида мажбурий ўрта-маҳсус, касб-ҳунар таълими олишга;
- в) давлат грантлари ёки пуллик-шартномавий асосда олий таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълимни олиш ҳуқуқига;
- г) давлат таълим муассасаларини маблағ билан таъминлашга;
- д) таълим олувчиларнинг ўқиши, турмуши ва дам олиши учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги вазифалар хал этилишида жамоатчилик бошқарувчини ривожлантиришга;
- е) таълим жараёни қатнашчиларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга;
- ж) соғлиқ ва ривожланишда нуқсонли бўлган шахслар таълим олишига кафолат беради.

III. Миллий моделнинг 3-таркибий қисмини узлуксиз таълим ташкил этади. Узлуксиз таълим малакавий рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади.

Узлуксиз таълим кадрлар тайёрлаш тизимининг асоси, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминловчи шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи устивор соҳадир. Шунингдек, узлуксиз таълим ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахс шаклланиши ва юқори малакали рақобатбардош кадрлар илдам тайёрланиши учун зарур шарт-шароитлар яратади.

IV. Кадрлар тайёрлаш миллий модулининг 4-таркибий қисмини фан ташкил этади кадрлар тайёрлашда фаннинг тутган ўрнига ортиқча баҳо беришнинг ҳожати йўқ деб ўйлайман. Зеро, фан юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқувчидир.

Фан соҳасида:

Биринчидан, табиат ва жамият тараққиёти қонуниятлари тўғрисидаги янги фундаментал ва амалий билимлар шаклланади, кадрлар тайёлаш тизимида оммалаштириш, ўрганиш ва фойдаланиш учун керакли илмий натижалар жамланади;

иккинчидан, олий малакали илмий ва педагог кадрлар тайёрлаш амалга оширилади;

учинчидан, кадрлар тайёрлаш жараёнини илмий-тадқиқот жиҳатидан таъминлаш жараёни инфраструктураси вужудга келтирилади, таълимнинг ахборот тармоқларида фойдаланиш мақсадида билимнинг турли соҳалари бўйича ахборот базаси шакллантирилди;

тўртинчидан, мамлакатимиз илм-фаннинг жаҳон илм-фанига интеграцияси содир бўлади, замонавий фан ва технологияларнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш учун илмий ютуқларни халқаро миқёсида алмашинуви амалга оширилади.

Кадрлар тайёрлаш тизимига илм-фаннинг узвий равишда кириб бориши учун куйидагилар зарурдир: яъни, илғор педагогик технологияларни яратиш ва ўзлаштириш юзасидан мақсадли инновация лойиҳаларини шакллантириш ва амалга ошириш йўли билан илм-фаннинг таълим амалиёти билан алоқасини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

илғор ахборот ва технологияларни жорий этиш учун экспериментал майдончалар барпо этиш орқали илмий-тадқиқотлар натижаларини ўқув-тарбия жараёнига ўз вақтида жорий этиш механизмини рўёбга чиқариш;

"Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурини самарали тарзда бажаришни таъминлаш юзасидан илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;

юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, ёшларнинг илмий ижодиётини ҳар томонлама қўллаб қувватлаш;

таълим муассасаларида илмий тадқиқот ва илмий педагогик ишлар даражасини баҳолашга замонавий ёндошувини рўёбга чиқариш, илмий

тадқиқотлар ва технологик ишланмалар натижалари тижоратлашуви асосида олимларнинг обрў-эътибори ва ижтимоий малакасини ошириш;

мамлакат илм-фанининг халқаро илмий ҳамжамиятга интеграциясини фаоллаштириш, таълим соҳаси ва кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш мақсадида илмий ютуқлар ва олимлар билан ўзаро алмашинув жараёнини кучайтириш;

Фан ва технологиялар соҳасидаги фаолиятни маънавий ва моддий рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш, талабалар ва ёш олимларнинг илмий ютуқлари учун махсус мукофотлар ва совринлар таъсис этиш, махсус стипендиялар сонини кўпайтириш, ёшлар илмий – техника ижодиётининг доимий ишлайдиган кўргазма ва экспозицияларини ташкил этади.

Шунингдек, миллий дастурда фан билан таълим жараёни алоқаларини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган:

Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида илғор амалий илмий тадқиқотлар ўтказилади, таълим сифати давлат таълим стандартларига мувофиқ келишини ташкил этиш ва таъминлаш мақсадида педагогика ва таълим соҳасида илмий тадқиқотлар ва илмий–услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш фаоллаштирилади. Фундаментал ва амалий фан соҳасидаги илмий кадрларнинг таълим жараёнидаги иштироқи рағбатлантирилади, педагогик ва илмий–тадқиқот жараёнларининг алоқаси таъминланади. Ёшларнинг фан–техника соҳасидаги ижодкорлиги ҳар томонлама қўллаб қувватланади. Ниҳоят, Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг бешинчи таркибий қисми ишлаб чиқаришдир.

Ишлаб чиқариш бу кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш жараёнининг қатнашчисидир.

Давлат ва жамият узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг барча учун очиқ бўлишини ва ҳаёт ўзгаришларига мосланувчанлигини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси томонидан инсон ҳуқуқлари, таълим, бола ҳуқуқи соҳасидаги шартномалар ва конвенцияларнинг бажарилиши, кадрлар тайёрлаш соҳасида жаҳон илғор тажрибасини ҳисобга олиш узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг барча жиҳатларига даҳлдор бўлиб, унинг ривожланиш омилларидан биридир.

Бундан ташқари ўқув-ишлаб чиқариш мажмуалари ташкил этиш ва уларни ривожлантириш, замонавий ускуналар, аппаратлар ва асбоблар билан жиҳозлаш рағбатлантирилади. Кадрлар тайёрлаш ва биргаликдаги илмий-технологик ечимлар яратишда корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланилади. Ишлаб чиқаришда кадрлар тайёрлаш қўллаб-қувватланади. Илғор технология соҳасида педагог кадрларнинг малакаси бевосита ишлаб чиқаришда мунтазам равишда ошириб борилади. Республикамиз таълим тизимининг асосини ташкил этувчи узлуксиз таълимни ташкил этиш ва уларни ривожлантириш қуйидаги принциплар асосида олиб борилади:

- а) таълимнинг устуворлиги-унинг ривожланишининг биринчи даражали ахамиятга эга эканлиги, билим, таълим ва юксак интеллектнинг нуфузи;
- б) таълимнинг демократлашуви – таълим ва тарбия услубларини танлашда ўқув юртлари мустақиллигининг кенгайиши, таълимни бошқаришнинг давлат жамият тизимига ўтилиши;
- в) таълимнинг инсонпарварлашуви- инсон қобилиятларининг очилиши ва унинг таълимга бўлган турли-туман эҳтиёжларининг қондирилиши, миллий ва умумбашарий қадриятлар устуворлигининг таъминланиши, инсон, жамият ва атроф- муҳит ўзаро муносабатларининг уйғунлашуви;
- г) таълимнинг ижтимоийлашуви таълим олувчиларда эстетик бой дунёқарашни ҳосил қилиш, уларда юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлашни шакллантириш;
- д) таълимнинг миллий йуналтирилганлиги-таълимнинг миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан узвий уйғунлиги, Ўзбекистон халқларининг маданиятини сақлаб қолиш ва бойитиш, таълимнинг миллий

тараққиётнинг ўта муҳим омили сифатида эътироф этиш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданиятини хурматлаш;

е) таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги, бу жараённинг ҳар томонлама камол топган инсонни шакллантиришга йўналтирилганлиги;

ж) иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларга таълимнинг энг юқори даражасида, изчил равишда фундаментал ва махсус билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш.

Таълимнинг, яъни узлуксиз таълим соҳасидаги ислоҳотлар қуйидагиларни назарда тутати:

Таълим тизимининг кадрлар салоҳиятини тубдан яхшилаш, тарбиячи, ўқитувчи, муаллим ва илмий ходимнинг касбий нуфузини ошириш;

таълим тизимини таркибий жиҳатдан қайта қуриш таълим, фан, техника ва технологиянинг, иқтисодиёт ва маданиятнинг жаҳон миқёсидаги замонавий ютуқларни ҳисобга олган ҳолда касб-ҳунар таълими дастурларини тубдан ўзгартариш;

мажбурий умумий ўрта таълимдан ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига ўтишни таъминлаш;

махсус, касб-ҳунар таълимининг марказлари сифатида фан ва ишлаб чиқариш интеграциялашган янги типдаги ўқув муассасаларини вужудга келтириш;

илғор технологияларни кенг ўзлаштириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, чет эл инвестициялари кўламларининг кенгайиши, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш билан боғлиқ яъни касб-ҳунар ва мутахассисликлар бўйича кадрлар, шу жумладан бошқарув тизими кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

миллий мустақиллик принциплари ва халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятларининг устуворлиги асосида таълимнинг барча даражалари ва бўғинларида таълим оловчиларнинг маънавий ва ахлоқий фазилатларини ривожлантириш;

таълимни бошқариш тизимини такомиллаштириш, жамоат бошқаруви шакллари ривожлантириш, таълим муассасаларини минтақалаштириш.

таълим олишда, шунингдек болалар ва ёшларни маънавий - ахлоқий интеллектуал ва жисмоний жиҳатдан тарбиялашда оила, ота-оналар, жамоат ташкилотлари, маҳаллалар, ҳайрия ва халқаро фондларининг ролини кучайтириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга ошириш;

таълим жараёни ва кадрлар тайёрлаш сифатига холис баҳо бериш тизимини яратиш ва жорий этиш;

таълим ва илм-фан билан боғлиқ чет эл ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантириш;

туб ерли миллатга мансуб бўлмаган шахсларга зич яшайдиган жойларда улар ўз она тилларида таълим олишлари учун ташкилий ва педагогик шарт-шароитлар яратиш;

таълимнинг барча даражаларида таълим олувчиларнинг ҳуқуқий, иқтисодий, экологик ва санитария гигиена таълими ҳамда тарбиясини такомиллаштириш.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да узлуксиз таълим тизими ва турлари белгилаб қўйилган. Шунингдек, узлуксиз таълим тизимининг фаолият олиб бориши Давлат таълим стандартлари асосида, турли даражалардаги таълим дастурларининг изчиллиги асосида таъминланади ва қўйидаги таълим турларини ўз ичига олади, яъни улар қуйидагича:

Мактабгача таълим

Умумий ўрта таълим.

ўрта махсус касб-ҳунар таълими

Олий таълим

Олий ўқув юртидан кейинги таълим

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш.

Мактабдан ташқари таълим.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг ўзига хос хусусияти мустақил равишдаги тўққиз йиллик умумий ўрта ҳамда уч йиллик ўрта махсус касб-хунар таълимини жорий этишдан иборатдир. Бу эса умумий таълим дастурларидан ўрта махсус, касб-хунар таълими дастурларига изчил ўтилишини таъминлайди.

Умумий таълим дастурлари: мактабгача таълим, бошланғич таълим (1-4 синфлар), умумий ўрта таълим (1-9 синфлар), ўрта махсус, касб-хунар таълимини қамраб олади.

Касб-хунар таълими дастурлари ўрта махсус, касб-хунар таълими, олий (бакалаврият, магистратура) таълими ва олий ўқув юртидан кейинги таълимни, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни қамраб олади.

Мактабгача таълим турида боланинг асосан соғлом, ҳар томонлама камол топиб шаклланишини таъминлайди, унда ўқишга интилиш ҳиссини уйғотади, уни мунтазам таълим олишга тайёрлайди. Мактабгача таълим бола олти етти ёшга етгунча давлат ва нодавлат мактабгача тарбия болалар муассасаларида ҳамда оилаларда амалга оширилади. Ушбу мақсад ва вазибаларини рўёбга чиқаришда маҳаллалар, жамоат ва хайрия ташкилотлари, халқаро фондлар фаол иштирок этади.

Ундаги тарбияни ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозимдир:

Биринчидан, малакали тарбиячи ва педагог кадрларни устувор равишда тайёрлаш;

иккинчидан, мактабгача таълимнинг самарали психологик педагогик услубларини излаш ва жорий этиш;

учинчидан, болаларни оилада тарбиялашни ташкилий психологик, педагогик ва услубий жиҳатдан таъминлаш;

тўртинчидан, замонавий ўқув-услубий қўлланмалар, техник воситалар, ўйинчоқлар ва ўйинлар яратиш ҳамда уларни ишлаб чиқариш;

бешинчидан, мактабгача ёшдаги болаларни халқнинг бой маданияти тарихий мероси ва умумбашарий кадриятлар асосида маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш;

олтинчидан, мактабгача муассасаларнинг ҳар хил турлари учун турли вариантлардаги дастурларни танлаб олиш, мактабгача тарбиянинг барча масалалари бўйича малакали консултация хизмати кўрсатиш имкониятини яратиш;

еттинчидан, мактабгача тарбия ва соғломлаштириш муассасалари тармоғини кўллаб -қувватлаш ва ривожлантириш механизмини ишлаб чиқишдан иборатдир.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да умумий ўрта таълим қуйидагилардан иборат дейилади:

Яъни, тўққиз йиллик (1-9 синфлар) ўқишдан иборат умумий ўрта таълим мажбурийдир. Таълимнинг бу тури эса ўз ичига бошланғич таълимни (1-4 синфлар) қамраб олади, ҳамда ўқувчиларнинг фанлар асослари бўйича мунтазам билим олишларини, уларда билим ўзлаштириш эҳтиёжини, асосий ўқув-илмий ва умуммаданий билимларни, миллий ва умумбашарий кадриятларига асосланган маънавий – ахлоқий фазилатларини меҳнат кўникмаларини, ижодий фикрлаш ва атроф-муҳитга онгли муносабатда бўлишни ва касб танлашни шакллантиради. Умумий ўрта таълим тугаллангандан кейин фанлар ва улар бўйича олинган баҳолар кўрсатилган ҳолда давлат томонидан тасдиқланган намунадаги аттестат берилади.

Шунингдек, дастурда умумий ўрта таълимнинг янгича тизими ва мазмунини шакллантириш учун қуйидагилар зарур дейилган:

а) Мактабнинг 1-9 синфлари доирасида сифатли умумий ўрта таълим олишни таъминловчи давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, бунда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларидан кейин олинадиган таълим дастурлари билан мантиқий боғлиқлик ҳисобга олиниши лозим;

б) юқори малакали педагог-кадрлар тайёрлаш;

в) худудларни жўғрофий ва демографик хусусиятларига қараб шахс, жамият ва давлатнинг эҳтиёжларига мувофиқ равишда таълим муассасалари тармоқларини ривожлантириш;

г) ўқувчиларнинг қобилиятлари ва имкониятларига мувофиқ равишда таълимга табақалаштирилган ёндашувни жорий этиш;

д) таълим беришнинг илғор педагогик технологияларини, замонавий ўқув-услубий мажмуаларини яратиш ва ўқув тарбия жараёнини дидактик жиҳатдан таъминлаш;

е) ўқувчилар касб-хунар танлайдиган ва психологик педагогик жиҳатидан маслаҳатлар оладиган марказлар тармоқларини ташкил этишдан иборат.

Миллий дастурда ўрта поғонада ташкил этиладиган ўрта махсус, касб-хунар таълимида қуйидагилар белгиланган:

Яъни, умумий ўрта таълим негизида ўқиш муддати 3 йил бўлган мажбурий ўрта махсус касб-хунар таълими узлуксиз таълим тизимидаги мустақил турдир. ўрта-махсус, касб-хунар таълими йўналиши – академик лицей ёки касб-хунар коллежи ўқувчилар томонидан ихтиёрий танланади.

Академик-лицей давлат таълим стандартларига мувофиқ ўрта махсус таълим беради. ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал, чуқур соҳалаштирилган, табақалаштирилган, касбга йўналтирилган таълим олишни таъминлайди.

Академик лицейларда ўқувчилар ўзлари танлаб олган таълим йўналиши бўйича (гуманитар, техника, аграр, ва бошқа соҳалар) билан савияларини ошириш ҳамда фанни чуқур ўрганишга қаратилган махсус касб-хунар кўникмаларини ўзларида шакллантириш имконига эга бўлдилар. Бу кўникмаларни ўқишни муайян олий таълим муассасаларида давом эттириш ёки меҳнат фаолиятида рўёбга чиқаришлари мумкин.

Касб-хунар коллежи тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус, касб-хунар таълими беради;

Ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларни чуқур ривожлантириши, танлаб олинган касб-хунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни эгаллаш имконини беради.

Шунингдек, касб-хунар коллежлари жиҳозланганлик даражаси педагогик таркибининг танланганлиги, ўқув жараёнининг ташкил этилиши жиҳатидан янги типдаги таълим муассасалари ҳисобланади. Улар бир ёки бир неча замонавий касб-хунарни эгаллаш ҳамда тегишли ўқув фанлари бўйича чуқур назарий билим олиш имконини беради. Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида таълим олиш ўқувчиларга ўз билимларини чуқурлаштириш ва танлаган ихтисосликларига эга бўлишни таъминлайди. Академик лицейлар ва касб -хунар коллежларининг битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар берилади. Бу дипломлар таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш ёки эгаллаган ихтисос ва касб -хунар бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беради.

Бундан ташқари, ўрта-махсус, касб-хунар таълимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун қуйидагилар зарурдир:

- а) академик лицейлар ва касб - хунар коллежлари фаолият кўрсатишининг норматив базаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- б) соҳа учун олий таълим муассасаларининг ишлаб чиқариш, фан ва маданият соҳасининг мутахассисларини жалб этган ҳолда юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;
- в) ўрта махсус, касб-хунар таълими давлат стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- г) ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув муассасалари учун касб-хунар ва таълим дастурлари ўқув услубий мажмуаларини ишлаб чиқиш;
- д) академик лицейларнинг ўқувчилари меҳнат фаолияти кўникмаларини эгаллашлари учун ихтисослаштирилган дарсликлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- е) касб-хунар коллежларида тайёрланадиган мутахассисларга нисбатан ихтисос ва касб-хунар малака талабларининг рўйхатини ишлаб чиқиш;
- ж) худудларнинг жўғрофий ва демографик шарт – шароитларини ва тегишли соҳадаги мутахассисларига бўлган маҳаллий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўрта махсус, касб-хунар таълим тизими таълим муассасаларининг ташкил этилишини ва улар одилона жойлаштирилишни таъминлаш ва уларга ўқувчиларни имкон қадар оиладан ажратилган ҳолда олиш;
- ё) академик-лицейлар ва касб-хунар коллежларининг моддий техника ва ахборот базаларини мустаҳкамлашдан иборатдир.

Олий таълим эса ўрта махсус, касб-хунар таълими негизига асосланади, ҳамда икки (бакалаврият ва магистратура) босқичига эгадир.

Шунингдек, олий таълим муассасаларига талабалар қабул қилиш давлат грантлари негизида ва пуллик шартномавий асосда амалга оширилади.

Бакалаврият-мутахассисликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, таълим муддати камида тўрт йил давом этадиган таянч олий таълимдир.

Бакалаврлик дастури тугалланганидан сўнг битирувчиларига давлат аттестацияси яқунларига биноан «бакалавр» даражаси берилади ва давлат томонидан тасдиқланган намунадаги, касб-хунар билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган диплом топширилади.

Магистратура – аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалаврият негизида таълим муддати камида икки йил давом этадиган олий таълимдир. «Магистр» даражасини берадиган давлат малака аттестациялари магистрлик дастурининг интиҳосидир. Магистрларга давлат томонидан тасдиқлаган намунадаги касб-хунар фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи диплом топширилади.

Икки босқичли олий таълим тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

Биринчидан, олий таълим муассасалари учун профессор-ўқитувчи кадрлар тайёрлаш шу жумладан, чет эллардаги етакчи ўқув ва илмий марказларда тайёрлаш;

иккинчидан, олий таълим муассасаларида таркибий ўзгаришлар ўтказиш;

учинчидан, олий таълим муассасалари бошқарувини такомиллаштириш, бу муассасаларнинг мустақиллигини кучайтириш, васийлар, кенгашлари, жамоат назорат кенгашлари шаклидаги жамоат бошқарувини жорий этиш;

тўртинчидан, таълимнинг фан ва ишлаб чиқиш билан интеграцияси таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

бешинчидан, ўқишни, мустақил билим олишни индивидуаллаштириш ва дистанцион таълим тизими технологияси ва воситаларини ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш;

олтинчидан, янги педагогик ва ахборот технологиялари тайёргарликни модул тизимидан фойдаланиб, талабаларнинг ўқитилишини такомиллаштириш;

еттинчидан, халқнинг бой маънавий ва интеллектуал меъроси ва умумбашарий қадриятлари асосида таълимнинг йўналишини таъминлаш.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга шахснинг ижодий таълим касб-хунар манфаатларини қаноатлантиришга қаратилган.

Олий ўқув юртидан кейинги таълимни олий ўқув юртларида ва илмий тадқиқот муассасаларида олиш мумкин. Олий ўқув юртларидан кейинги таълим босқичлари диссертация ҳимояси билан якунланади. Шунингдек, якуний давлат аттестацияси натижаларига кўра тегишли фан номзоди ва фан доктори илмий даражаси берилиб, давлат томонидан тасдиқланаган намунадаги дипломлар топширилади. Олий ўқув юртидан кейинги

таълимни кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш тадбирлари қўйидагиларни ўзига олади:

«Таълим тўғрисида»ги қонунга ҳамда мамлакатни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлашни ва аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш;

касб таълими тизими учун олий малакали илмий-педагог кадрларни ҳамда илғор педагогик технологиялар соҳасида илмий кадрларни устивор равишда тайёрлаш;

ривожланган мамлакатларнинг илғор таълим муассасалари ва илмий марказларида устивор йўналишлар бўйича олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрланиши учун шароитлар яратиш бериш;

фан технология ва таълим соҳасида ривожланган мамлакатлар билан халқаро ҳамкорликни чуқурлаштириш лозимдир.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим тизимининг алоҳида тури ҳисобланиб, у мутахассисларнинг касб билимлари ва кўникмаларини янгилаш ҳамда чуқурлаштиришга қаратилган. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларидаги ўқиш натижаларига кўра давлат томонидан тасдиқланган намунадаги гувоҳнома ёки сертификат топширилади.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун қўйидагилар зарур:

Биринчи кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизими фаолиятини янгича таркиб, мазмун ҳамда бу тизимни бошқаришни шакллантириш;

иккинчи, юқори малакали ўқитувчи мутахассис кадрлар тайёрлаш ва соҳани улар билан тўлдириб боришни таъминлаш;

учинчи, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимининг бу соҳада рақобатга асосланган муҳитини шакллантиришни ва самарали фаолият олиб боришни таъминловчи норматив базасини яратиш;

тўртинчи, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларининг давлат аттестацияси ва аккредитациясидан ўтказиш тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

бешинчи, иқтисодиётнинг давлат ва нодавлат секторлари, мулкчиликнинг турли шаклидаги ташкилот ва муассасаларининг талаб эҳтиёжларига мувофиқ кадрлар ва мутахассисларни илдам қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминловчи давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ташкил этиш ва ривожига кўмаклашиш;

олтинчи, профессионал тренингнинг илғор технология ва ускуналарини, шунингдек мураккаб фан ютуқларини талаб қилувчи технология жараёнлари имитаторларни ишлаб чиқиш, яратиш ва амалий ўзлаштириб олишдан иборат.

Мактабдан ташқари таълимга назар ташласак, у болалар ва ўсмирларининг таълимига бўлган, яқка тартибдаги ортиб борувчи талаб – эҳтиёжларини қондириш уларнинг бўш вақтини ва дам олишини ташкил этиш учун ўрнатилади, жамоат ташкилотлари шунингдек, бошқа юридик ва жисмоний шахслар маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ташкил этадилар.

Мактабдан ташқари таълимни ривожлантириш, унинг тузилмаси ва мазмун-мундарижасини такомиллаштириш вазифаларини ҳал этиш учун қуйидагиларни амалга ошириш керак:

Биринчидан, таълим бериш ва камол топтиришга йўналтирилган хизматлар кўрсатувчи муассасалар тармоғини кенгайтириш ва бундай хизматлар турларини кўпайтириш;

Иккинчидан, миллий-педагогик қадриятларга асосланган ва жаҳондаги илғор тажрибани инобатга олувчи дастурлар ва услубий материаллар ишлаб чиқиш;

Учинчидан, ўқувчиларнинг бўш вақтини ташкил этишнинг, шу жумладан, оммавий спорт ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш

тадбирларининг, болалар туризмининг, халқ хунармандчилигининг мавжуд турлари ва шаклларини тиклаш ҳамда амалиётга жорий этишдан иборатдир.

Кадрлар тайёрлаш тизимида ишлаб чиқариш алоҳида муҳим рол ўйнайди. Ишлаб чиқаришнинг талаб-эҳтиёжлари, кадрлар тайёрлаш тизимининг йўналиши, даражаси ва миқёсларини шакллантиради, касб тайёргарлигининг мақсади вазифалари ва мазмунини белгилайди, малакавий талабларни илгари суради, билимнинг мувозий технологиялари ва шаклларини танлашни тақозо этади. Ишлаб чиқариш пировард натижада кадрларнинг сифати ва рақобатбардошлигига баҳо беради. Бунда ишлаб чиқаришнинг вазифалари қуйидагилар билан белгиланади, чунончи улар турли савия ва малакадаги мутахассисларга бўлган талаб-эҳтиёжларини шакиллантиради;

ўз ихтиёридаги моддий-техника, молия, кадр ресурслари ва кадрларни ўқитиш, малакасини ошириш ва қайта тиклаш учун зарур бошқа ресурсларни бериш билан узлуксиз таълим тизимига кўмаклашади;

Муассис, васий, донор, хомий тариқасида айрим мутахассисларни гуруҳларни мақсадли тайёрлашни, шунингдек турли тип ва даражадаги ўқув юртларини молиялашда қатнашади;

Таълим ва илм-фаннинг турли шакллардаги интеграциясини (муваққат ижодий жамоалар, ўқувнинг-илмий – ишлаб чиқариш мажмуалари, марказлари, технопарклар, технополислар) ривожлантирилади.

Ишлаб чиқаришнинг кадрлар тайёрлаш тизимидаги моделни кучайтириш қуйидаги йўллар билан таъминланади:

Таълимни корхонадаги унумли меҳнат билан шу жумладан, ишлаб чиқариш амалиёти жараёнидаги меҳнат билан қўшиб олиб бориш асосида юқори малакали кадрлар тайёрлаш;

кадрлар тайёрлаш ва биргаликда илмий-технология ишланмаларини олиб боришда корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш;

таълим олувчиларни меҳнат жамоаларида тарбиялаш (меҳнат, маънавий ва жисмоний тарбиялаш) ишлаб чиқаришнинг талаб

эҳтиёжларини инобатга олиб, техника ва технологияларни ривожлантиришнинг янги йўналишлари бўйича кадрларни тайёрлаш, қайта тиклаш ва уларнинг малакасини ошириш;

ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ва технология муаммоларини ҳал этиш учун олий таълим муассасалари ва илмий салоҳиятини жалб этиш;

педагог кадрларнинг илғор технологиялар соҳасидаги малакасини бевосита ишлаб чиқаришда мунтазам ошириб бориш;

Ишлаб чиқаришнинг юқори малакали кадрларини таълим жараёнига ва педагогик фаолиятга жалб этиш;

ўзаро интеграцияланган таълим муассасаларини замонавий ускуналар, аппаратлар ва асбоблар билан жиҳозлаш.

Миллий дастурнинг 4-бўлимида Кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгиланган. Унда жумладан шундай дейилган: яъни, кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш қуйидаги устувор йўналишларни қамраб олади:

1.Таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш.

Бунда таълимнинг ўз ичига мактабгача таълим, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг қамраб олувчи янги узлуксиз ва изчил тизими барпо этилади. Олий касб -ҳунар таълимининг бакалаврлар ва магистрлар тайёрлашни назарда тутувчи икки босқичли тизими жорий этилади. Аспирантура ва докторантура фаолияти ривожланиб боради. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш борасида рақобатбардош таълим муассасалари вужудга келтирилади.

Шунингдек, таълим муассасаларини ҳудудий йўналишга ўтказиш ва таркибий тузилмасини ўзгартириш иши амалга оширилади. Узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш ва унинг самарадорлигини баҳолаш мониторинги амалга оширилади.

Узлуксиз таълим тизими учун педагог кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш устиворлиги таъминланади.

2. Педагог ва илмий педагог кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш

Бунда педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг замон талабларига мослашувчан, таълимнинг юқори сифатли ва барқарор ривожланишини кўзловчи тизими вужудга келтирилади. Педагог кадрларни илдам қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, рақобатбардош даражада уларнинг касб сифатини кўллаб-қувватлаш таъминланади.

Олий таълим муассасаларида давлат таълим стандартларига мос юқори малакали ўқитувчилар тайёрлаш бўйича факультетлар, шунингдек Республика вилоятларида умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими учун ўқитувчилар ва мутахассислар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш юзасидан махсус марказлар ташкил этилиши дастурда белгиланган.

3. Таълим жараёнини мазмунан ислоҳ қилиш

Бунда кадрларни ўқитиш ва тарбиялаш миллий тикланиш принциплари ва мустақиллик ютуқлари, халқнинг бой миллий маънавий ва интеллектуал салоҳияти ҳамда умумбашарий қадриятларга таянган, инсонпарварликка йўналтирилган таълимнинг мазмуни давлат таълим стандартлари асосида ислоҳ қилиниши белгиланган. Таълим олувчининг шахсига, унда таълим ва билимларга бўлган иштиёқни кучайтиришга, мустақил иш тутишни, ифтихор ва инсоний қадр-қиммат туйғусини шакллантиришга алоҳида эътибор берилади дейилган.

Педагог кадрларнинг обрў-эътибори, масъулияти ва касб кўникмасини ошириш юзасидан собитқадам давлат сиёсати олиб борилади. Илғор педагогик технологиялар, таълимнинг янги шакл ва услублари, ўқув, шу жумладан дифференциялашган дастурлар амалиётга жорий этилади, дейилган.¹

¹ Ўзбекистоннинг янги қонуллари. -Т., "Адолат". 1998 йил, 18-сон. 29-бет.

4. Маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар

Ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий маданий-тарихий анъаналарига, урф-одатлари ва умумбашарий қадриятларига асосланган самарали, ташкилий, педагогик шакл ва воситалари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилади. Шахсни тарбиялаш ва уни ҳар томонлама камол топтиришнинг устиворлиги таъминланади. Умумий ва педагогик маданиятни ошириш мақсадида, мамлакат аҳолиси орасидаги маърифий ишлар такомиллаштириб борилади. Ўзбекистон мустақиллиги принципларига садоқатли ва жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга қодир шахсни шакллантириш мақсадида таълим муассасалари ота-оналар, оила, маҳалла кўмиталари, «маънавият ва маърифат» жамоатчилиқ маркази, жамоат ташкилотлари, фондлар билан ўзаро пухта ҳамкорлик қиладилар.

5. Иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшлар

Яъни, бунда иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшларни аниқлаш ва ўқитиш услубиёти, психологик-педагогик ва ташкилий шароитлари яратиш) бундай болалар ва ёшларга оид маълумотларнинг Республика банки ва мониторингини шакллантириш назарда тутилган. Шунингдек, махсус ўқув дастурлари ва прогрессив педагогик технологиялар ишлаб чиқиш учун энг яхши педагог олимлар жалб қилиниши, ўқув тарбия жараёнида уларнинг фаол иштироки таъминланиши белгиланган.

Фан ва техникани, сиёсат ва иқтисодиётни маданият ва санъатни ўргатиш марказлари қабилидаги ҳамда миллий (элита) таълим муассасалари ташкил этилиши назарда тутилган.

Иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшларни чет элларда умумий ва касбий жиҳатдан тайёргарликдан ўтказишга қаратилган собитқадам фаолият амалга оширилади. Академик лицейларнинг ўқувчиларига, биринчи навбатда иқтидорли, юксак истеъдод соҳибларига билимнинг тегишли соҳалари ва фаннинг аниқ йўналишлари бўйича ўз табиий қобилиятларини

намоён этиш ва ривожлантириш, ўзларидаги ноёб истеъдодни рўёбга чиқариш учун кенг имкониятлар яратилади дейилган.

6. Таълим тизимини бошқариш

Яъни, узлуксиз таълим тизими ва кадрлар тайёрлашнинг давлат ва нодавлат таълим муассасаларини таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва уларни изчил ривожлантириш давлат йўли билан бошқариб борилиши, барча даражадаги таълим бошқарув органларининг ваколат доиралари «Таълим тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ белгиланиши, таълимнинг норматив ҳуқуқ базаси ривожлантирилиши лозимлиги белгиланган. Молия – хўжалик фаолиятини олиб бориш ва таълим жараёнини ташкил этишда ўқув юртларининг ҳуқуқлари кенгайди ва мустақиллиги таъминланиши, таълим муассасалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилиши, ҳамда аккредитацияланиши белгиланган.

Аккредитация якунларига кўра эса таълим соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи берилади.

Бундан ташқари муассис ташкилотларнинг, маҳаллий ҳокимият органларининг, савдо-саноат доираларининг, жамоат – ташкилотларининг, фондларнинг ва ҳомийларнинг вакиллари ўз ичига олувчи васийлик ва кузатув кенгашлари тузиш орқали таълим муассасаларининг самарали, жамоат бошқаруви тизими жорий этилиши назарда тутилган.

7. Касб-хунар таълими сифатини назорат қилиш тизимини шакллантириш

Таълимни бошқарувчи органларига боғлиқ бўлмаган, касб-хунар таълими сифатини аттестациядан ўтказувчи давлат хизмати ташкил этилиши, мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг истиқбол талабларига монанд давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилиши, ўқув юртлари фаолиятини, профессор-педагог кадрлар сифатини ҳамда таълим олувчиларнинг билимини рейтинг асосида баҳолаш тизими тадбиқ этилади. Кадрларни тайёрлаш сифатини назорат қилишнинг давлат

ва жамоат шакллари ривожлантирилиши ва шуниндек, таълим муассасалари битирувчиларини якуний аттестациялаш тизими такомиллаштирилиши Миллий дастурда белгиланган.

8. Таълим тизимини молиялаш яъни, таълимни ва кадрлар тайёрлашни молиялаш тизимини такомиллаштирилади, унинг кўп вариантли тизими жорий этилиш; таълим муассасаларининг ўзини-ўзи пул билан таъминлашнинг ривожлантириш, хусусий ҳамда чет эл инвестицияларини таълим соҳасига жалб этишни рағбатлантириш, республика фуқаролари учун кейинчалик уларни тўлашнинг мослашувчан тизимига асосланган таълим кредити бериш механизми шакллантириш дастурда белгиланган. Узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда донорлар ва ҳомийларнинг мавқеининг кучайиб бориши, пуллик таълим хизматлари кўрсатиш: тадбиркорлик, маслаҳат, эксперт, ноширлик, ишлаб чиқариш, илмий ва уставда белгилаб қўйилган вазифаларга мувофиқ бошқа тарздаги фаолият ҳисобидан таълим муассасаларининг даромадлари кўпайиши таъминланиши белгиланган.

9. Моддий техника таъминоти. Бунда ҳар бир минтақанинг демографик ва жўғрофий хусусиятларидан келиб чиқиб, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари тармоғи барпо этилади. Таълим олувчиларнинг оиладан ажратмаган ҳолда ўқишга имкон қадар кўпроқ қамраб олиниши назарда тутилган.

Мавжуд таълим муассасаларини капитал таъмирлаш ва янги таълим муассасаларини қуриш уларни норматив талабларга мувофиқ, замонавий техника ва технологияларнинг даражасини ҳисобга олган ҳолда жихозлашни таъминлаш чоралари кўрилиши белгиланган.

Шунингдек, ўқув-тарбия муассасаларининг зарур ускуналар, инвенторлар, ашёлар, техникавий, дастурий ва дидактик воситалари билан жиҳозлаш юзасидан ихтисослаштирилган ишлаб чиқаришни вужудга келтириш қўллаб-қувватланади. Барча босқичдаги таълим жараёнларини компьютерлаш ва ахборотлаштириш амалга оширилиши белгиланган.

10. Таълим тизимининг яхлит ахборот маконини вужудга келтириш яъни, замонавий ахборот технологиялари, компьютерлаштириш ва компьютерлар тармоқлари негизида таълим жараёнини ахборот билан таъминлашни ривожлантириб бориш, таълим жараёнида оммавий ахборот воситаларининг мавқеини ошириб бориш, телевидения ва радионинг таълим дастурлари интеллектуаллашувини таъминлаш, фан ва билимнинг базасини ривожлантириш, ўқув, ўқув-услубий, илмий, қомусий адабиётлар ва маълумотномалар билан таъминлашнинг барқарор тизимини шакллантириш назарда тутилган.

11. Таълим хизмати кўрсатиш бозорини ривожлантириш. Бунда таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни ривожлантириш йўли билан таълим хизмати кўрсатишнинг рақобатга асосланган бозорини шакллантириш, давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ривожлантириш, таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими соҳасида рақобатга асосланган муҳит вужудга келтирилиши, бунда таълим хизмати кўрсатиш бозори давлат йўли билан бошқариб борилиши, шунингдек, асосий таълим дастурларида назарда тутилмаган консультатив ва қўшимча таълим хизмати кўрсатиш тизими ривожлантирилиши белгиланган.

12. Таълим соҳасида ижтимоий кафолатларни таъминлаш ва бу соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлашни белгилаш, шунингдек, таълим муассасалари ва соғлиқни сақлаш органлари ўқувчи ёшларнинг соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш учун зарур чораларни кўришлари белгиланган. Унда: ўқув-тарбия жараёнининг соғломлаштиришга қаратилган йўналишини рўёбга чиқариш, соғлом турмуш тарзи нормаларини жорий этиш учун шароитларни таъминлаш, таълим олувчиларнинг тиббий-гигиена маданиятини ошириш, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт бобидаги фаоллигини кучайтириш ҳамда жисмоний камолот даражасини ошириш учун ташкилий-услубий ёндашувларни такомиллаштириш, шунингдек, соғлиқ ва ривожланишда нуқсонли бўлган болалар учун муносиб муҳит яратиш белгиланган.

13. Фан билан таълим жараёни алоқаларини ривожлантириш назарда тутилган яъни, таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида амалий тадқиқотлар ўтказиш, таълим сифати давлат таълим стандартларига мувофиқ келишини ташкил этиш ва таъминлаш мақсадида педагогика ва таълим соҳасида илмий тадқиқотлар ва илмий услубий қўлланмалар ишлаб чиқишни фаоллаштириш, фундаментал ва амалий фан соҳасидаги илмий кадрларнинг таълим жараёнидаги иштирокини рағбатлантириш, педагогик ва илмий тадқиқот жараёнларининг алоқасини таъминлаш, шунингдек, ёшларнинг фан техника соҳасидаги ижодкорлигини ҳар томонлама қўллаб қувватлаш назарда тутилган.

14. Ишлаб чиқариш ва таълим тизими интеграциялашувини ривожлантириш, яъни ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини ташкил этиш ва уларни ривожлантириш, замонавий ускуналар, аппаратлар ва асбоблар билан жиҳозлашни рағбатлантириш, кадрлар тайёрлашни ва биргаликдаги илмий-технологик ечимлар яратишда корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришда кадрлар тайёрлашни қўллаб- қувватлаш, илғор технологиялар соҳасида педагог кадрларнинг малакасини бевосита ишлаб чиқаришда мунтазам равишда ошириб бориш кабилар назарда тутилган

15. Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик, унда кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорликнинг халқаро-ҳуқуқий базаси яратилиши, халқаро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари рўёбга чиқарилиши, халқаро таълим тизимлари ривожлантирилиши, илмий- педагог кадрлар, талабалар ва ўқувчилар алмашилишини кенгайтириш ва хоказолар белгиланган.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» амалиётга тадбиқ этилаётган ҳозирги шароитимизда қуйидагиларни ўта муҳим деб топдик:

а) Миллий дастурнинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш жараёнига жамоат бирлашмалари ва марказлари, Республика аҳолисининг тарбия жараёнида фаол иштирокини таъминлаш;

б) профессор ва педагог кадрларни ривожланган мамлакатлардаги етакчи таълим муассасаларида тайёрлаш малакасини ошириш;

в) узлуксиз таълим тизимида Республика жамғармаси фаолиятини янада кучайтириш;

г) узлуксиз таълим соҳаси ўқитувчилари ва педагог кадрларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб қувватлаш, уларни меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш тизимини кучайтириб бориш;

д) ўқув жараёнини инсонпарварлаштириш ўта муҳимдир;

е) таълимни ахборот билан таъминлаш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш, уни жаҳон ахборот тизими билан боғлаш, оммавий ахборот воситаларининг таълим соҳасидаги фаоллиги ва эркинлигини таъминлаш;

ж) касб-хунар таълими соҳасида кадрларга бўлган талаб ва таклифни ўрганишни, таълим хизматлари кўрсатиш ва касбий меҳнатнинг рақобатга асосланган бозорини ҳамда кадрлар тайёрлаш соҳасидаги маркетинг фаолиятини кучайтириш жоиздир.

Зеро, касб-хунар таълими соҳасида кадрлар тайёрлашда келгусида ишсизликнинг кўпайишига олиб келадиган шароитларининг яратишга йўл қўйилмаслик зарур ва лозимдир.

Шунингдек, ҳозирги даврда касб-хунарга йўналтириш вазифаси ўта муҳим бўлиб, бунда болага эркинлик бериш ва йўл-йўриқ кўрсатиш ва шу билан бирга қизиқтириш талаб этилади.

Шу ўринда ушбу ҳаётий маълумотларни фикрингизга ҳавола қиламиз. 2000 йил талабалар ўртасида олиб борилган сўровларда шулар маълум бўлдики, талабаларнинг 55%и ўз хохиши билан қизиққан касби бўйича олий ўқув юртида ўқимокда, қолган 45% и эса келажакда олий маълумот ҳақидаги дипломга эга бўлиш мақсадидагина ўқишга киришганлигини билдиришди. Бу эса ўз навбатида ҳозирги кунимиздаги айрим ва келажакимиз учун зарарли камчиликлардан биридир.

Шу ўринда мамлакатимизда биринчи маротаба ташкил этилган Ташхис марказлари фаолиятини янада кучайтириш ўринлидир. Чунки,

мактаб жамоаси ва ота-оналар ҳамкорлигида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш худди ана ўша педагогик–психологик Ташхис марказлари раҳбарлигида амалга оширилади.

Ташхис марказлари қуйидаги вазифаларни бажаради:

- а) ўқувчиларнинг қобилиятлари ва мойилликларини аниқлашда;
- б) соғлиқни сақлаш муассасалари билан ҳамкорликда ҳар йили тиббий педагогик кўриклардан ўтказишда;
- в) ўқувчиларга ва уларнинг ота-оналарига психологик-педагогик ёрдам кўрсатишда;
- г) мактаб ўқувчиларига уларнинг қобилиятларини касб-ҳунарга мойилликларини, қизиқишлари ва кўникмаларини ҳисобга олган ҳолда академик лицейда ёки касб-ҳунар коллежида маълум йўналишини танлашда кўмаклашиш ва тавсиялар бериш кабилар.

Юқорида таъкидланганидек педагогик-психологик Ташхис Марказлари фаолияти жуда ҳам катта аҳамиятга эгадир. Айниқса ҳозирги ўтиш даврида ёшларнинг айрим касбларни устун қўйишлари ва ўзларининг лаёқати, билимига мос бўлмаган касбларни танлаш каби ҳоллар, шунинг, касб-таълимда ота-онанинг "Сен мана шу олий ўқув юртида ўқийсан" деб фарзандини мажбур қилиш ҳолларининг учраб туриши жамиятимиздаги долзарб муаммолардандир. Бу каби муаммоларни бартараф этишда педагогик-психологик Ташхис марказларининг фаолияти беқиёслиги, шунингдек, улар умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб ҳунар коллежларининг ўқувчилари орасида тушунтириш ишлари олиб борадилар. Уларга тўри йўл кўрсата оладилар. Бундан ташқари, Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурнинг 1-босқич яқунланган ҳозирги давримизда (тадқиқотларимизда) шунга амин бўлдики, айрим қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежлари (илгариги ҳунар-техника ўқув юртлари ўрнида ташкил этилган)да кадрлар тайёрлаш ўша ҳудудларнинг кичик кадрларга бўлган эҳтиёжини қондира олмайди. Масалан, тасаввур қилинг, битта қишлоқдаги касб-ҳунар коллежида ҳуқуқшунослик бўйича ҳар йили 60 та кичик кадр

етиштириб чиқаради. Ваҳоланки, ўша қишлоқда дурадгорлик, устачилик, курувчилик, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги агрономияси, хайдовчилик сингари касб эгаларига эҳтиёж каттадир. Бу каби муаммолар Республикамизнинг кўплаб ҳудудларига тааллуқлидир.

Шундай қилиб, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг "ҳудудларнинг демографик, жўғрофий хусусиятлари ва кадрларга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш"ни ташкил этишга алоҳида эътибор бериш зарур.

Шунингдек, Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурини амалга оширишда алоҳида эътиборга муҳтож бўлган ҳудудлар (яъни экология бузилган) даги болаларнинг барча тенгдошлари қатори соғлом турмуш тарзида вояга етишларига эътибор бериш керак. Уларнинг илм олишларига муносиб имкониятлар яратиш лозим. Таълимни ахборотлаштиришда қишлоқ билан шаҳар мактабларини барабар таъминлаш лозим.

Зеро, қишлоқ билан шаҳар болаларининг олий ўқув юртларига киришда бир хил ҳуқуққа эга эканлар, уларнинг билим олиш имкониятлари ҳам бир хил бўлиши керак.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида "Кадрлар тайёрлаш ҳамда биргаликда илмий-технология ишланмаларини олиб боришда корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш", белгиланган бўлиб, бу жуда катта аҳамиятга эга, халқаро тажрибалардан бизга маълумки, Германияда хатто, хафтасига 3-4 кун корхонада, 1-2 кун касб-ҳунар мактабида таълим олиши мўлжалланган таълим муассасалари мавжуд.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга оширишда шунга алоҳида эътибор бериш керак, яъни илгари собиқ Совет ҳукумати ҳукмронлиги йилларида 9-йиллик тўлиқсиз ўрта мактабларни тугатганларнинг кейинги тақдирига алоҳида эътибор қаратиш керак. Бу хусусида Президентимиз таълимни ислоҳ қилиш арафасидаги нутқида батафсил тўхталиб ўтган эди. Яъни ўтиш даврида Республикамизда тахминан 5 миллион 200 минг мактаб ўқувчисидан 9-синфни битирганлар

450 минг нафар болани ташкил қилган бўлса, уларнинг 250 минг, яъни 55 фоизи 10-синфда ўқишни давом эттирганлар. Тахминан 100 минг нафар бола хунар-техника ёки махсус ўқув юртларига кириши мумкин, қолган 100 минг нафар бола умуман касб-хунарсиз кўчада қолмоқда эди.

11-синфни тугатган ўқувчиларнинг эса тахминан 20-25 минг нафари, яъни ҳаммаси бўлиб 10 фоизи олий ўқув юртларига ўқишга кириши мумкин бўлган.

Қолган 90 фоизи эса на бир аниқ ихтисосли на бир эртага ҳаётга керак бўладиган малака ва на бир касб-хунарни эгаллаб олмасдан қолиб кетардилар.¹

Ҳозирги кунда эса, ўша даврда 9-синфни битириб, хунар-техника билим юртида ёки 10-11 синфда ўқишини давом эттира олмаган, бунинг натижасида эса на бир хунарни на бир касбнинг эгаси бўлмасдан, кўчада қолиб кетганларнинг таълим олишларини ташкил қилиш лозим, яъни уларнинг касб-хунар коллежларида таълим олишлари учун шарт-шароит яратиш лозим.

Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурининг "Таълим соҳасида ижтимоий қафолатларни таъминлаш ҳамда бу соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш"² деб номланган қисмининг охирига - "Айниқса, алоҳида эътиборга муҳтож бўлган ҳудудлардаги болаларнинг таълим олишларига алоҳида эътибор қаратилади.", деб қўшимча киритиш зарур.

Бу эса албатта таълим соҳасида инсон ҳуқуқларига қай даражада катта аҳамият билан қаралаётганлигидан далолат беради.

¹ И.А.Каримов. "Баркамол авлод орзуси". -Т., "Ўзбекистон миллий энциклопедияси". 2000 й.

² Ўзбекистоннинг янги қонунлари. -Т., "Адолат", 1998 й, 18-сон. 32-33 бетлар.

II БОБ. ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ИСЛОХ ҚИЛИНИШИДА КАБУЛ КИЛИНГАН ҚОНУНЛАРНИНГ ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ.

II. 1-§. ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУННИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ.

*Баркамол авлодни тарбиялаш
инсониятнинг энг ёрқин
орзуси бўлиб келган.*

И.А.Каримов

Ўзбекистон Республикаси ҳали давлат мустақиллигини қўлга киритмасданок кадрлар тайёрлаш масаласи республикамиздаги долзарб муаммоларга айланиб бормоқда эди. «Айтиш керакки, кадрларни пухтароқ қилиб тайёрламасдан, уларнинг қадрига етмасдан, уларга ишонмасдан ва қўллаб-қувватламасдан, ўйлайманки, бирон бир соҳада аҳволни ҳеч қанақа тарзда ўзгартириб бўлмайди» деган эди Президентимиз И.Каримов.¹

Шунингдек, бу масалада И.Каримовнинг қуйидаги фикрларига тағин диққатингизни жалб қиламиз.

«Республикамизнинг ҳозирги давригина эмас, келажаги ҳам туб миллатдан саноат ишчилар синфини шакллантириш муаммоси билан боғлиқ. ўзингиз ўйлаб кўринг, 460 та кундузги хунар-техника билим юртининг ҳар бештасидан биридагина замонавий саноат касблари бўйича ишчилар тайёрланади. хунар-техника билим юртларининг ҳар учтасидан биригина тўла ўқув комплексига эга. Уларнинг таълим мақсадлари учун замонавий машина-ускуналарига бўлган эҳтиёжини базавий корхоналар

¹ И.А.Каримов. Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон Олий Советининг биринчи сессиясида сўзлаган нутқи. "Ўқитувчилар газетаси", 1998 й. 28 октябрь.

жуда қониқарсиз таъминламоқда. Корхоналар ва хунар-техника билим юртлирининг шартнома системасига ўтиши ишчи кадрлар тайёрлаш кўламини кескин қисқариб кетишига олиб келди, унингсиз ҳам хунар-техника билим юртлири Республаканинг тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини қаноатлантира олмаётган эди. Қора ва рангли металлургия, машинасозлик, қурилиш индустрияси, енгил саноат корхоналарининг кўпида иш жойлари мунтазам равишда бўш қолмоқда... Кўп ҳолларда бунинг сабаби бир хил - меҳнатга лаёқатли аҳолини ҳисобга олиш ва бир қанча мутахассисликлар бўйича ишчи кадрлар тайёрлашни ташкил этишдаги жиддий нуҳсонлардир.

Очиғини айтиш керак, бу аҳвол фақат иқтисодий вазифаларни ҳал қилишдагина эмас, шу билан бирга ёшларга касб ўргатишни ташкил этишда... йўл қўйилган нуҳсонларнинг натижасидир.

Буларнинг ҳаммаси Иттифоққа бўйсунувчи кўпгина корхоналар жойларда ишчи кадрлар тайёрлаш ўрнига баъзан ўзлари учун осон, лекин маҳаллий аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини чигаллаштирадиган йўлдан бориб, мамлакатнинг бошқа регионларидан тайёр ходимларни таклиф қилаётганликларининг бевосита оқибатидир. Бу йўл шаҳарларда уй-жой муаммосини тағин ҳам кескинлаштирмоқда, ишчилар синфи миллий отрядини вужудга келтиришга тўсқинлик қилмоқда... деган эди Президентимиз. «Шунингдек, бир нарса равшан – ишчилар ва инженер-техник кадрлар тайёрлашнинг таркиб топган системасини тубдан янгилаш талаб қилинади...»² деб таъкидлаган эди.

Юқорида келтирилган далилларга эътибор берган бўлсангиз, унда илк бор кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан янгилаш масаласи кўтарилган.

Демак, Президентимиз бу муаммони ечиш йўлларини бундан ўн йил аввал ўйлаган. Юқоридаги келтирилган нутқдан бир йил кейин (1990 йил) эса И.Каримов миллий кадрлар тайёрлашни тизимга солишни режалаштирилганлигини пайқаш қийин эмас. Қолаверса, унда 1997 йил

² И.А.Каримов «Ўқитувчилар газетаси», 1989 й. 25 ноябр.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури» нинг илк лойиҳаларини кўриш мумкин.

Шундай қилиб, мустақиллигимизнинг илк йилларида Ўзбекистон Республикасининг «Таълим туғрида»ги қонуни (1992 йил) қабул қилинди.

Мазкур қонунда Ўзбекистон Республикасида келиб чиқиши, жинси, тили, ёши, ирқи, миллати, эътиқоди ва динга муносабати, ижтимоий аҳволи, машғулотининг тури, турар жойи, республика ҳудудида қанчадан бери яшаётганлигидан қатъий назар барчанинг таълим олиши учун тенг ҳуқуқлар кафолатланган. (4-модда).¹

Шунингдек, таълим тизими куйидагиларни ўз ичига олган:

- 1) мактабгача тарбия;
- 2) умумий таълим
- 3) мактабдан ташқари таълим;
- 4) ҳунар-техника таълими;
- 5) ўрта махсус таълим;
- 6) олий таълим;
- 7) илмий ва илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш;
- 8) кадрларнинг касб-кор малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;
- 9) оиладаги таълим;
- 10) мустақил таълим;²

Мазкур қонун аввало, Ўзбекистон нинг таълим соҳасида илгари эришилган муваффақиятларни сақлаб қолишга хизмат қилади. Шунингдек, «бу қонун ўша давр учун жуда зарур эди. Чунки жамият қонунсиз яшаса, вужудга келадиган бўшлиқни бир тасаввур қилинг. Айниқса, таълим соҳасида бундай ҳол жуда салбий оқибатларга олиб келиши тажрибаларда кўп синалган. Мазкур қонуннинг яна бир хусусияти шунда эдики, у эски

¹ Ўзбекистоннинг янги қонунлари -Т., -"Адолат". 1993 й. 6-сон, 48-бет.

² Ўзбекистоннинг янги қонунлари -Т., -"Адолат". 1993 й. 6-сон, 49-бет.

тузум сартқитларини кўрсатиб беришга хизмат қилди. Демак, тўпланган ижобий жиҳатларни сақлаб, қолган иллатларни англаб олишимизга хизмат қилган, аниқроғи эски тизимдан янгисига ўтишга кўприк вазифасини ўтаган қонуннинг аҳамияти улкандир»¹.

Шу билан бирга 1992 йилда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун яратган имкониятлар сабаб таълим тизимига қатор янгиликлар кириб келди. Жумладан 1993 йилда олий таълим тизимидаги ислоҳатларга кенг эътибор берилди. Бу масала Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида алоҳида йиғинда таҳлил қилинди. Мажлисни бошқарган Президентимиз Ислон Каримов кадрлар савияси ҳақида, олий ўқув юртларининг аҳволи ва уларнинг ишлаб чиқариш корхоналари билан муносабатлари ҳақида фикр билдираркан, тест тизимининг афзалликлари ҳақида шундай деган эди:

«ўғил-қизларимизнинг ўқишга қабул қилишда тест усулининг қўлланилиши ижобий қадам бўлди. Бу қинғир ишлар пайини қирқади, миш-мишларга чек қўяди, истеъдодли ёшларни танлаб олиш имкониятини беради. Бинобарин бу ишларни такомиллаштириб бориш керак.»²

Бундан ташқари, 1999 йилга қадар 97968 нафар халқ таълими ходимида давлат уйлари бепул хусусийлаштириб берилди, 21946 нафар ходимга эса ташкилот ва муассасалар тасарруфидаги уйлар хусусийлаштириб берилди. 35841 нафар педагог ходимга шахсий қурилиш учун ер майдонлари ажратилди, қишлоқларда истиқомат қиладиган педагог ходимларнинг ҳаммаси коммунал хизмат учун тўловлардан тўла озод этилган бўлсалар, шаҳарликлар унинг 50% и миқдорида тўлайдилар.

Шунингдек, моддий манфаатдорликка маънавий рағбатлантиришларини ҳам қўшиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

«1 октябрь - ўқитувчи ва мураббийлар куни» дам олиш куни деб эълон қилиниб, уни бутун Ўзбекистон аҳолиси умумхалқ шодёнаси сифатида байрам қиладиган бўлди.

¹ И.А.Каримов. «Баркамол авлод орзуси» -Т., "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси", 2000 й. 129-бет.

² И.А.Каримов «Илм зиё салоҳияти – юрт бойлиги» «Маърифат» газетаси, 1997 йил 21 июль.

Бошқа собиқ иттифоқ давлатларида бундай куннинг нишонланиши ҳақида маълумотлар йўқ. Бу байрам арафасида юзлаб таълим фидойиларига давлатнинг энг мўътабар мукофотлари топшириладиган бўлди. Ўзбекистон Республикаси фахрий унвонларининг кўплиги ҳам илм-фан ва таълим-тарбиянинг аҳамияти нақадар юксаклигини кўрсатади. Булар «Ўзбекистон Республикаси фан арбоби», «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» унвонларидир.

Шундай қилиб, 1992 йилги «Таълим тўғрисида»ги қонун ўз вақтида муҳим бўлган бўлсада, аммо таълим тизимини ислоҳ қилишнинг амалий чора тадбирлари таълим-тарбия ва ўқув жараёнларининг таркибини бири-бири билан узвий боғлиқ, яъни узлуксизликни таъминлаш муаммоларини еча олмади.

Жумладан, умумий ўрта таълимга назар ташласак у таркибан уч босқичга бўлиниб, бошланғич (1-4 синфлар), таянч (5-9 синфлар) ва умумий ўрта таълим (10-11 (12) синфлар) дан ташкил топган эди.

Бунда эса таълим тизими мазмунининг изчиллиги, узлуксизлиги, узвийлигини ҳисобга олиш ҳоллари бузилди.

Шунингдек, умумий ўрта таълимнинг давомийлиги муддати 10 йилдан 11 йилга оширилганлиги сунъий бўлиб, мажбурий ўқув фанларининг сони ниҳоятда ошиб кетганлиги илмий жиҳатдан асосланмаган эди.

Шунингдек, мазкур фанлар мазмуни давлатимизда кечаётган демократик ва иқтисодий ўзгаришлар талабларига жавоб бермади.

Энг асосий камчилик бу – ўсиб келаётган авлодни мустақил фикрлашга ўрганмаслик, меҳнат фаолиятига тайёрламаслик муаммосининг пайдо бўлганлиги эди. 9-синфни битирувчилар эътиборсиз қолдирилди. Шу даврлар мобайнида республикамизда ҳар йили ўртача 450 мингдан ортиқ ўқувчи 9-синфни битирди. Уларнинг 250 минги (55%) юқори синфларда ўқишни давом эттирдилар, 100 минга яқини эса ҳунар-техника, ўрта махсус

билим юртларига кириб ўқишни давом эттириш имкониятига эга эди. Натижада 100 мингдан ошиқ бола таълим олиш ёки меҳнат фаолиятига жалб қилинмасдан қолиб кетарди.

Шунингдек 9-11-синфлар даражасидаги таълим дастурларида иккита «узилиш» бор эди (бу хусусида 1 – схемада кўрсатилган).

Умумтаълим ва касб-хунар дастуридаги узлуксизлик, изчиллик иккинчи босқичда, яъни хунар-техника ва ўрта махсус таълим тизимида янада бузилди. Президентимизнинг юқорида таъкидланган нутқида айтилганидек «...билим ва тарбиянинг сифати, ўқувчилар олаётган жуда тор ихтисос-мутахассислиги, шу билан бирга, тарбиячи ўқитувчилар малакасининг пастлиги, бу билим юртларининг умуман бугунги кун талабига жавоб бермаслиги» намоён бўлди.¹

Таълим тизими ислоҳ қилинишигача бўлган таълим тизимида, схемада кўрсатилганидек, умумтаълим дастурининг икки жойида, яъни таянч (1-9 синфлари) таълим дастурлари билан умумий ўрта таълим ҳамда бошланғич ва ўрта махсус таълим тизими дастурлари ўртасида «узилиш»лар мавжудлиги кўзга яққол ташланади. Бунинг натижасида эса таълим дастурларининг узвийлиги бузилди. Натижада эса, болаларнинг касб-хунарсиз ҳолда қолиб кетиши ҳоллари юз берди. Шунингдек, ўқув дастурларининг бир-бирига номутаносиблиги, замон талабларига жавоб бермаслиги, уларда қайтариш ва такрорлашлар кўплиги ҳам унинг илмий асосланмаганлигидан далолат беради.¹

Амалдаги «Таълим тўғрисида»ги қонунда узлуксиз таълим тизимининг энг кўзга кўринадиган ютуқларидан бири ҳам айнан ана шу «узилиш»ларни йўқотишдан иборат бўлди.

Бунда эса авваломбор, илмий асосланмаган 11 йиллик умумий ўрта таълим тизими 9 йиллик ўқув тизимига келтирилди. Унда ўқув фанларининг сони камайтирилиб самара берадиган даражага етказилди, ўқув дастурларидаги кўпгина такрорлашлар олиб ташланди, мазмун жиҳатдан

¹ И.А.Каримов. «Баркамол авлод орзуси» -Т., "Ўзбекистон миллий энциклопедияси", 2000 й. 159-бет.

¹ Каримов.И.А «Баркамол авлод орзуси». -Т., "Ўзбекистон миллий энциклопедияси", 2000 й, 160-бет.

ўқув фанини ўзлаштиришни қийинлаштирган баъзи боблар, қисмлар таълим дастурларнинг юқори босқичига ўтказилди. Шу билан умумтаълим дастурлари кейинги таълим турлари – ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим тизими дастурлари билан ўзаро уйғунлашиб узлуксиз таълим тизимини ташкил этди.

Бундан ташқари шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, академик лицей ва касб–хунар коллежларини тамомлаган битирувчилар олий ўқув муассасаларига киришда бир ҳил имкониятларга эга бўладилар, яъни улар тенг ҳуқуқлидирлар. Шунинг учун ҳам лицей ва коллежлар учун бир хилда умумтаълим дастурлари белгиланган.

ўрнатилган умумтаълим дастурларини ўзлаштирган талабалар академик лицейларда ўқув фанлари бўйича чуқурлаштирилган таълим дастурлари ва касб-хунар коллежларида йўналишлар бўйича чуқурлаштирилган касб-хунар дастурлари асосида билим олишлари мумкин.

ўз навбатида кейинги босқич – олий ўқув юртларида ўқишни давом эттиришни хоҳлаган ёшларимиз ўз эгаллаган касб-корлари бўйича меҳнат бозорида фаолият кўрсатишлари мумкин бўлади.

Маълумки, «Таълим тўғрисида»ги қонун (1997 йилги)нинг асосини узлуксиз таълим ташкил этар экан, узлуксиз таълим тўғрисидаги юртбошимизнинг фикрларига яна диққатингизни жалб қилиб ўтиш ўринлидир.

Жумладан, Президентимиз И.А.Каримов мактабгача таълимни шундай ифодалайди: «Мактабгача таълим тури – болани мактабгача тайёрлаш билан бирга, уни соғлом бўлиб ўсишини таъминлайди, мунтазам таълим олишга тайёрлайди, унда ўқишга интилиш хиссини уйғотади. Бизнинг мамлакатимизда янгича ижтимоий-иқтисодий шароитларда шаклланаётган мактабгача таълим тизими бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Жумладан, бозор иқтисодиётининг ўтиш босқичи

қийинчиликларига қарамасдан бу эришилган ижобий тажрибаларни сақлаш ва ривожлантириш йўлидан бормоқдамиз».¹

Шунингдек, Президентимиз мисол тариқасида оилавий таълимнинг кўринишларидан бири «Хонадон боғчаси», «Фермер хўжалиги боғчаси», «Болалар боғчаси – бошланғич мактаб» мажмуаларини келтирган эди.

Мамлакатимиздаги мажбурий таълим тўғрисида сўз кетганда Президентимиз шундай деган эди: "Бу саволга биров 9 йил деб жавоб беради, бошқамиз 12 йил деймиз. Чунки бунинг мазмунини, аҳамиятини ҳозирча ҳаммамиз тўлиқ тушуниб етганимизча йўқ. Янги қонунимизга кўра Ўзбекистон да мажбурий-ихтиёрий таълим 12 йил. Нима учун икки хил тушунаяпмиз? Келинг, буни аниқлаш учун 9 йиллик – умумий ўрта таълим ҳамда 3 йиллик – ўрта махсус, касб-хунар таълими турлари ҳақида алоҳида-алоҳида фикр юритайлик.

Биз орзу қилган авлод пойдевори умумий ўрта таълим мактабларида қўйилади».¹

Президентимиз И.А.Каримов Кадрлар тайёрлаш миллий модулининг таркибий қисми бўлган узлуксиз таълим тизимига киритилган уч йиллик ўрта махсус, касб-хунар таълимининг жорий этилиши таълим соҳасида янгилик бўлди дейди.

Шунингдек, юқоридаги мажбурий таълимнинг тўққиз йили ҳақида фикрлашсак. Ёшларимиз уни тугатганларидан сўнг яна уч йил ўрта махсус касб-хунар ўқув юртлари - академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида таълимни мажбурий ихтиёрий давом этирадилар дейди. «Мажбурийлик – бу икки йўналишдан бирида ўқишни давом эттиришнинг шартлилиги.

Ихтиёрийлик эса ўқувчиларнинг ўзи қизиққан ҳамда лайёқатига мос йўналишни (касб-корликни) эркин танлашидир»².

¹ Каримов. И.А. «Баркамол авлод орзуси» -Т., "Ўзбекистон миллий энциклопедияси", 2000 й. 178-бет.

² Каримов. И.А. «Баркамол авлод орзуси» -Т., "Ўзбекистон миллий энциклопедияси", 2000 й. 182-бет.

Худди шу ўринда «Таълим тўғрисида»ги қонунга асосан академик лицей ва касб-ҳунар коллежининг мақоми такомиллаштирилганлигини таъкидлаш жоиздир. Юқорида қайд этилгандай, уларнинг ўқувчилари ва битирувчилари ўзларининг олий ўқув юртига киришда ёки танлаган йўналиши бўйича фаолият кўрсатишда, конституциявий ҳақ-ҳуқуқларини амалга оширишда тенг ҳуқуқлидирлар. Шу билан бирга академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежи ўз олдида қўйган мақсадлари билан бир-биридан маълум маънода фарқ қилади.

Президентимиз: «Инсоннинг тафаккури, ақлий салоҳияти ижтимоий-иқтисодий тараққиётни белгилайдиган омиллардир. Шундай фарзандларимиз борки, улар умумий ўрта таълим жараёнида маълум йўналиш бўйича ўзларининг иқтидорларини, истеъдодларини намоён этадилар. Бу бойлиқдан оқилона фойдаланиш, уни тўғри йўналтириш катта аҳамият касб этади. Академик лицейлар айнан шу мақсадни амалга оширишга, иқтидорли, истеъдодли болаларни тарбиялашга хизмат қилади»¹ деган эди.

Дарҳақиқат, академик лицейларда ўқувчилар ўзлари танлаган йўналиш бўйича билимларини ошириши ва муайян касб асосларини чуқур, мукамал ўзлаштириш имкониятига эга бўладилар. Шунингдек, академик лицейлар асосан олий ўқув юртлари қошида ташкил этилади.

Олий таълимни ислоҳ қилиш омилларига тўхталадиган булсак «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да олий таълим олдида республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожини таъминлаш, ўзи танлаган мутахассислик бўйича бозор иқтисодиёти шароитида мустақил ишлашга лаёқатли, юқори малакали, рақобатбардош кадрларни тайёрлашдан иборат деган мақсад қўйилган.

«Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури»да олий таълим олдида қўйилган вазифаларнинг ижроси собиқ шўролар давридан қолган, мустақил

¹ Юқоридаги манба. 183-бет.

Ўзбекистон таълим тизимини тамомила янги босқичга кўтаришга имкон яратади.

Бундан ташқари, етишиб чиқаётган кадрларда чуқур ва мустақил билимларни шакллантириш, миллий истиқлол ғояларига садоқатли, Ватанга мухаббатли, бу йўлдаги фидойиликни тарбиялашни давом эттириш ҳам олий таълимнинг асосий вазифасидир.

Шунингдек, бу йўлда фан, техника ва технологияларни ривожлантириш, илмий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, олинган натижалардан таълим жараёнида унумли фойдаланмасдан, ўқитиш амалиётига янги педагогик ва инфорацион технологияларни киритмасдан юқорида таъкидланган натижага эришиш қийин масаладир.

Ушбу асосий тамойилларга авваламбор, таълим ва тарбиянинг инсонпарварлиги ва демократиклиги, университет таълимининг устиворлиги, ўрта махсус, касб-хунар таълими, Олий ва олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг узлуксизлиги ва ворисийлиги, таълим тизимининг дунёвий характерга эга эканлиги, давлат таълим стандартлари доирасида олий таълимнинг хамма учун очиклиги, талант ва иқтидорликни рағбатлантириш, олий таълим тизимида давлат ва жамият бошқарувининг уйғунлашуви, олий таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграцияси ва бошқалар киради.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, давлат таълим стандартлари доирасида олий маълумот олиш мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси учун очикдир. Бундай имконият эса икки йўл билан амалга оширилади:

а) давлат грантлари, яъни талабаларнинг ўқиш учун зарур бўлган харажатларини давлат ўз зиммасига олади. Грантлар худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида олий малакали кадрларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб белгиланади. Шунингдек, Президентимиз Фармонида асосан халқаро ва республика фан олимпиадалари, халқаро мусобақалар ғолиблари олий ўқув юртларига тест синовларсиз кириш ҳуқуқига эгадирлар;

б) бундан ташқари, ёшларимиз тўлов-контракт шаклида ҳам олий ўқув юртлирида ўқишлари мумкин. Бунда олий маълумот олиш истагида бўлган ёшлар тегишли ўқув юртлири маъмурияти билан шартнома тузадилар.

Шартномада ҳар иккала томоннинг вазифалари белгилаб олинади. Талабалик сафига тест синовлари натижалари ёки грантлардан сўнг баллар кетма-кетлиги (рейтинг) асосида қабул қилинган абитуриентлар белгиланган миқдордан маблағни олий ўқув юрти ҳисобига ўтказадилар. Тегишли маблағни талаба учун муассасалар, корхоналар, фирмалар ва бошқа ташкилотлар ҳам ўтказишлари мумкин.

Тўлов-контракт шаклида ўқиш қоидалари ва шартлари давлат томонидан мавжуд қонунчиликка асосланган ҳолда белгиланади.

Контрактдан тушган маблағлардан олий ўқув юртининг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш, педагог ходимларни рағбатлантириш, талабаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва бошқа мақсадлардан фойдаланилади.

Шунингдек, республикамизда олий таълим муассасалари куйидагилардир:

а) Университет — кадрлар тайёрлаш ва билимларнинг кенг соҳалари бўйича олий ва олий ўқув юртидан кейинги таълим дастурини амалга оширишга имкон берадиган билим даргоҳидир;

б) Академия — кадрлар тайёрлаш ва билимларнинг аниқ соҳалари бўйича олий ва олий ўқув юртидан кейинги таълим дастурларини амалга оширади;

в) Институт – билимларнинг битта соҳаси доирасида аниқ йўналишлар бўйича олий ва қоидага кўра олий ўқув юртидан кейинги таълим дастурини амалга оширишга қаратилган билим даргоҳидир.

Шунингдек, давлат тасарруфида бўлмаган олий таълим муассасалари таълим фаолияти ҳуқуқини фақатгина давлат аттестациясидан ўтгандан бошлаб киритадилар. Олий таълим муассасалари аттестация натижаларига кўра давлат акредитациясидан махрум этилишлари ҳам мумкин.

Юқорида таъкидланганидек, давлат таълим стандартлари доирасида олий маълумот олиш мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси учун очикдир.

Шунингдек, 2001 йил август ойининг охирларида Тошкент шаҳри маҳаллаларининг бирида олиб борилган сўровлар натижаларида шунга амин бўлдики, мазкур маҳалладаги 15 та оилада олий ўқув юртига имтихон топширган ёшларнинг 8 таси контракт асосида олий маълумот олиш имкониятига эга бўлган, лекин моддий аҳвол сабаб бўлиб уларнинг 6 таси ўқиш имкониятига эга бўла олмаган. Шунингдек, бунақанги маълумотлар бошқа кўплаб жойларда учрайди. Шу ўринда келгусида олий таълим тизимида давлат грантларини (ҳеч бўлмаганда 20% ини) сақлаб қолиш зарурлигини таъкидлаш жоиз.

Зеро, бу ихтидорли ёшларимизнинг (айрим) ўз истаклари асосида касб танлаши ва мамлакатимиз келажаги учун зарур кадрлар бўлиб етишиш имкониятига эга бўла олишларини таъминлайди.

«Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини амалда жорий қилиниш тўғрисида тўхталадиган бўлсак, мазкур қонуннинг асосини ташкил қилувчи узлуксиз таълим тизими биринчи бўлиб диққатимизни жалб қилади.

Маълумки, узлуксиз таълим тизимининг илк қадамлари мактабгача таълимдан бошланади.

1998 йилгача бўлган статистик маълумотларга кўра мактабгача тарбия муассасалари республикамизда 6911 та бўлган, ҳозирги кунда биргина Тошкент шаҳрида 21 та «Болалар боғчаси - мактаб» мажмуи, 5 та хусусий боғча, 2 та реабилитация маркази ривожланишда турли хил руҳий ва жисмоний нуқсонлари бўлган болалар учун 43 та махсус, гепатит ва сил касалигига учраган болалар учун 29 та санаторий типидagi мактабгача таълим муассасалари ташкил қилинган.

Махсус санаторий типидagi болалар боғчаларига қабул қилиш Вазирлар Маҳкамасининг 203-сонли қарори асосида халқ таълими туман бўлимлари ҳузуридаги тиббий-руҳий педагогик марказлари томонидан

танлаб олиш йўли билан амалга оширилади. Сўнги уч йил ичида бу типдаги болалар боғчаларининг тармоғи 27 тага кўпайган.

Худди шу ўринда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш ўринли, Тошкент шаҳар санэпидемия назорати маълумотларига қараганда, мактабгача таълим муассасаларида мебелнинг болалар бўйига мос келмаслиги сабабли болаларнинг қад-қоматида бузилиш ҳолатлари кузатилган. Шунингдек, хоналарнинг ҳаммаси ҳам яхши ёритилмаганлиги маълум. Бу эса болаларнинг кўриш қобилиятини ҳам пасайишига олиб келиши табиийдир. Бундан ташқари, махсус мактабгача таълим муассасалари махсус тиббий асбоб-ускуналар, эшитиш аппаратлари, физиотерепия асбоб-ускунаси, дори-дармон ва витаминлар билан тўлиқ таъминланмаган.

Республикамиз умумтаълим мактаблари 1999 – йилгача бўлган статистик маълумотларга қараганда 1998/99 ўқув йилида 9703 тадан иборат бўлган.

Шунингдек, чуқурлаштирилган предметларни ўргатувчи мактаблар сони 1995/96 ўқув йилида республикамизда 2494 та бўлса, бу кўрсаткич 1998/99 йили 3254 тага ортди.

Бундан ташқари, умумтаълим мактабларининг 9-синфини битирувчилар сони 1997 йил 481527 бўлган бўлса, 1998 йилда бу кўрсаткич 487258 тага етган. Шундан 1997 йилги 327671 тасини ва 1998 йилги 331424 тасини қишлоқ аҳолиси ташкил қилган.

Республикамиздаги умумтаълим мактабларининг 11(12)-синфини битирувчилар сони 1997 йилда 227391 та бўлган бўлса 1998 йилда буларнинг сони 248484 тага етган. Шулардан 1997 йил 163049 тасини, 1998 йилда 178596 тасини қишлоқ аҳолиси ташкил қилган.¹

ўрта махсус касб-хунар таълимига назар ташлайдиган бўлсак, 1998-99 ўқув йилидан бошлаб тажриба сифатида республикамизда 35 та ўрта махсус касб-хунар ўқув муассасалари ташкил этилди ва фаолият юрита бошлади.²

¹ "О образование" "Статист. сборник". -Т., 1998 г.

² И.А.Каримов. "Баркамол авлод орзуси". -Т., "Ўзбекистон миллий энциклопедияси". 2001 й. 205-бет.

2001 йил 30 июнда республикамызда янги таълим муассасалари академик лицей ва касб-ҳунар коллежаларининг 35 тасини илк бор тамомлаб чиқаётган 5 минг нафарга яқин ёшларга диплом топширилди.³ Бу эса мазкур таълим турини битириб чиққан кадрларнинг мамлакатимиздаги кичик кадрларга бўлган муаммоларининг ўз ечимини топа бошлаганлигини билдиради.

Барчамизга маълумки, олий таълим тизими мамлакатимиз учун энг етуқ кадрларни етказиб берувчи даргоҳдир. Ҳозирги кунда республикамызда 12 та вазирлик ва идораларга қарашли 62 та олий ўқув юрти бўлиб, улардан 18 таси университет мақомига эгадир

Бир сўз билан айтганда мамлакатимизда таълимни ривожлантиришга давлат бюджетидан беқиёс катта маблағлар ажратилмоқда. Аниқроқ килиб айтсак, ялпи миллий даромадимизнинг 10-12%и шу мақсад учун сарфланмоқда.⁵ Бу чиндан ҳам улкан миқдордаги, эзгу ниятларга қаратилган сарф-харажатлардир. Ҳатто Япониядек ривожланган давлатда ҳам маълумотларга қараганда, таълим соҳасига ялпи миллий даромаднинг 7%и миқдорида маблағ ажратилар экан.

Буларнинг барчаси фақат битта нарса учун – Ўзбекистон халқи ижтимоий ва маънавий баркамол авлодларга эга бўлиши учун келажагимиз пойдевори мустаҳкам бўлиши учун, ёшларимиз биздан кўра кучли, доно ва албатта бахтли булиши учун қилинаётган эзгу ишлардир.

Мана шундай саъй-ҳаракатлар бугунги кунга келиб ўз самарасини бермоқда. Тамомила янги негизда ташкил топган ўрта махсус таълим илк кадрларни ҳаётга йўлламоқда. 25 та олий таълим муассасаси магистратурасининг 1800 дан зиёд биринчи магистрлари диплом ва кўкрак нишонлари билан тақдирландилар.

Ҳозирги кунда республикамызнинг 38 та таълим муассасаларида магистратура фаолият кўрсатмоқда .

³ Ўзбекистон овози. 2001 йил, 5 июль сони.

⁵ Ўзбекистон овози. 2001 йил 5 июль сони.

Демак, янги таълим тобора фаоллашиб бормоқда. Шу билан бирга бугунги магистрлар дарҳақиқат ўз малакаси билан алоҳида ажралиб туради. Уларнинг айримлари бажарган магистрлик диссертациялари диққатга сазовор илмий-амалий янгиликлар, кашфиётлар билан яқунланди. Шунингдек, энг салоҳиятли магистрлар ўзларининг дастлабки ютуқлари учун патентлар, муаллифлик гувоҳномаларини олишга муваффақ бўлишмоқда.

Шу билан бирга, бугунги магистрлар ҳозирги педагогиканинг илғор намояндалари бўлишга қодир бир кучга эга. Шу боисдан битириб чиқётган илк магистрларга – ўрта махсус касб-ҳунар таълим тизимидан, олий таълим даргоҳларидан кўплаб буюртмалар тушяпти. Ёш магистрларга ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилотлар, илмий муассасалардан ҳам таклифлар кўп.

Илк битирувчиларга Президентимиз табригида ажойиб истаклар англанади: «Олган билим ва тажрибангиз, одоб-ахлоқ, касб-ҳунар бобидаги камолингиз фақат яхшиликка, бунёдкорликка буюрсин, аввало, ўзингизга, бутун эл юртингизга бахту саодат келтирсин».¹

Юқоридаги ютуқларимиз албатта «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг мукамаллигидан далолат беради. "Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг ўзидан аввалги Қонундан афзал бўлган қуйидаги жиҳатларини ҳам кўрсатиб ўтиш муҳимдир:

Биринчидан, таълим Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёти соҳасида устувор деб эълон қилиниши;

иккинчидан, умумий ўрта, шунингдек, ўрта-махсус, касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги;

учинчидан, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишини академик лицейда ва касб-ҳунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги;

¹ Ўзбекистон овози. 2001 йил 5 июль сони.

тўртинчидан, таълим тизимида давлат ва жамият бошқарувини уйғунлаштирилганлиги. Қонуннинг 4-моддасида эса, шундай дейилган давлат ва нодавлат таълим таълим муассасаларини ривожлантириш;

ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда таълим олишни ташкил этиш;

таълим ва кадрлар тайёрлаш миллий дастурлари асосида бепул ўқитиш, шунингдек, таълим муассасаларида шартнома асосида тўлов эвазига касб-ҳунар ўрганиш;

барча турдаги таълим муассасаларининг битирувчилари кейинги босқичдаги ўқув юртларига киришда тенг ҳуқуқларга эга бўлиши;

оилада ёки ўзи мустақил равишда билим олган фуқароларга аккредитациядан ўтган таълим муассасаларида экстернат тартибда аттестациядан ўтиш ҳуқуқини бериш орқали таъминланади.

Шунингдек, Республикамизда истиқомат қилаётган фуқаролиги бўлмаган шахслар билим олишда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқларга эга эканлиги белгилаб қўйилган. Қонунда таълим муассасасининг ҳуқуқий мақоми белгиланган (6-модда) бўлиб, унга кўра таълим муассасасини аккредитациялаш ваколатига эга бўлган давлат органи томонидан аттестацияга асосан амалга оширилиши белгиланган.

Таълим муассасаси юридик шахс бўлиб, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда барпо этилади. Нодавлат таълим муассасаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда давлат аккредитациясидан ўтган пайдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқлари ва таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлиши қонунда белгиланган.

Таълим муассасаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган Устав асосида фаолият кўрсатади.

Шунингдек, таълим муассасаси аттестацияси натижаларига биноан давлат аккредитациясидан маҳрум этилиши мумкин.

Таълим муассасалари ўқув-тарбия мажмуаларига ҳамда ўқув-илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари ва уюшмаларига бирлашишга ҳақли.

Шунингдек, қонунда илк бор таълим муассасалари уставда белгиланган вазифаларга мувофиқ пулли таълим хизматларини кўрсатиш, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турлари билан шуғулланишга ҳақли деб белгиланди.

Республикамиздаги таълим тизими эса қуйидагича тузилди:

а) давлат таълим стандартларига мувофиқ таълим дастурларини амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим муассасалари;

б) таълим тизимининг фаолият кўрсатиш ва ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган тадқиқот ишларини бажарувчи илмий-педагогик муассасалар;

в) таълим соҳасидаги давлат бошқарув органлари, шунингдек, уларга қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими ягона ва узлуксиздир.

Қонуннинг 11-моддаси мактабгача таълим деб номланиб, унда мазкур таълимни олти-етти ёшгача оилада, болалар бошчасида ва мулк шаклидан қатъий назар бошқа таълим муассасаларида олиб борилиши белгиланган. Яъни, мазкур таълимни давлатга қарашли бўлмаган муассасаларда ҳам олиш имконияти белгиланган.

Қонуннинг 12-моддасида эса мактабнинг биринчи синфига болалар олти-етти ёшдан қабул қилиниши белгиланган. Шунингдек, Қонунда болаларнинг қобилияти, истеъдодни ривожлантириш учун аввалги қонундан фарқли равишда ихтисослаштирилган курсларда эмас, балки ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилиши мумкинлиги белгиланган.

"Таълим тўғрисида"ги Қонунга қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритилса мақсадга мувофиқ бўларди:

Биринчи, қонуннинг 14-моддасининг 6-бандида фуқаролар иккинчи ва ундан кейинги олий маълумотни шартнома асосида олишга ҳақлидирлар, дейилган.

Мазкур бандни "фуқаролар иккинчи ва ундан кейинги олий маълумотни ўзлари хоҳлаган олий ўқув юртларида, ўзлари хоҳлаган соҳада шартнома асосида олишга ҳақлидирлар" деб белгиланиши лозимдир. Зеро, бу мамлакатимиздаги олий таълим муассаларидаги ҳозирги кунда учраб турадиган иккинчи ва ундан кейинги мутахассисликни олиш учун ҳужжат топшириш жарёнидаги тўсқинликни бартараф этсин.

Иккинчи, "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг III-бўлимига таълим жараёни қатнашчиларининг ҳуқуқлари, вазибалари ва масъулиятлари киритилиши керак.


Бу бизнинг таълим соҳасидаги ўтмиш тажрибаларимизни ўрганиш асосида ва шунингдек, ҳозирги кунимиз учун ўта муҳимлиги учун зарурдир.

Зеро, инсон ҳуқуқлари таълим жараёнида устувордир.


Шунингдек, таълим жараёни қатнашчиларининг ҳуқуқлари, вазибалари ва масъулиятлари қонун ости ҳужжатларида эмас, балки, қонунда акс этиши мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон да таълим тизимининг ислоҳ қилиниши натижасида вужудга келган таълим тизими. (ҳозирги).


Мактабга- ча таълим (6-7 ёшгача)	Умумий ўрта таълим (10-11 синф)	Уч йиллик ўрта махсус касб-ҳунар таълими	Олий таъ- лим	Олий таълим- дан кейинги таълим	Малака ошириш ва кадрлар қайта тайёрлаш.
---	---------------------------------------	--	---------------------	---	--



Умумтаълим дастурлари



Таълим дастурларининг ўзаро уйғунлашуви



II.3-§. КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИНИНГ АҲАМИЯТИ.

*Кадрлар тайёрлаш Миллий
дастури тасодифан пайдо бўлгани
йўқ - бу айнан шу ҳалқимизнинг
қон-қонига сингиган маърифат
қонуниятининг давомидир.*

Ислом Каримов.

Юқорида таъкидланганидек, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидаги жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган бўлиб, у миллий моделни рўёбга чиқаришни, ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган таълим ва касб-ҳунар дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, педагогик-психологик ва бошқа тарздаги шароитларни яратишни, жамият, давлат ва оила олдидаги жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни¹ ўз олдига мақсад қилиб олгандир.

- «Бизга миллий кадрлар тайёрлашнинг махсус дастури керак, бу дастур:

- умумий таълим мактабларида дарс бериш сифатини ошириш (ўқитувчиларни, методистларни кўшимча равишда моддий раббатлантириш, махсус синфхоналар барпо этиш, олий ўқув юртларининг мактабларини оталикқа олишни йўлга қўйиш ва шу кабиларни);

- энг истеъдодли болалар учун мактаблар очишни;

- корхоналар билан мактаблар ўртасида сифат жиҳатидан янги муносабатларни жорий этишни;

- ҳунар техника билим юртларида ҳўжалик ҳисобини жорий қилишни ва шу асосда оммавий касб кадрлари тайёрлаш сифатини кескин оширишни;

¹ Ўзбекистоннинг янги қонунлари . –Т., «Адолат», 1998 й. 18-сон, 10-бет.

- олий ўқув юртларида мутахассислар тайёрлаш системасини қайта қуришни, бу соҳага кадрлар тайёрлашни буюртма бериш усулини жорий этишни ўз ичига олиши керак»¹ деган эди Президентимиз Ислон Абдуланиевич Каримов.

Юқорида келтирилган Президентимизнинг нутқидан шу нарса аёнки, Ўзбекистон давлат мустақиллигининг илк йилларида таълим соҳасига жиддий эътибор қаратган.

Шунингдек, Президентимиз ўз нутқида: - «Келажак бугундан бошланади. Ҳозир тарбия масаласига эътибор қилинмаса, келажак бой берилади. Тарбиядан ҳеч нарсани аямаймиз!»² деган эди.

Дарҳақиқат, «Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури» инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратишда, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-атворнинг андозаларини ўзгартиришда Республикамизда амалга оширилаётган ислохатларнинг самара беришида асосий рол ўйновчи юқори малакали, замонавий кадрларни тайёрлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Бундан ташқари, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқаришда, ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-ҳунар дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратишда, жамият, давлат ва оила олдигаги жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасини ривожланишининг эришиган даражасини инкор этмаган ҳолда, бу соҳадаги камчилик ва муаммоларни ҳам очиб берди.

¹ Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўққизинчи сессиясидаги нутқидан. «Маърифат» газетаси. 1992 й., 7 январь.

² Юқоридаги манба.

Таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилишда, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этишда ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» «асосий йўл кўрсатувчи» вазифасини ўтайди.

Шунингдек, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»:

- а) таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга ошириладиган янгиланиш, ривожланган демократик ҳуқуқий давлат қурилиши жараёнларига мослашда;
- б) кадрлар тайёрлаш тизими муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлашда, педагогик фаолиятнинг нуфузи ва ижтимоий мақомини кўтаришда;
- в) кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда қайта қуришда;
- г) таълим олувчиларнинг маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий қилишда;
- д) таълим ва кадрлар тайёрлаш, таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитация қилиш сифатига баҳо беришнинг холис тизимини жорий қилишда;
- е) янги ижтимоий-иқтисодий шароитларида таълимнинг талаб қилинадиган даражаси ва сифатини, кадрлар тайёрлаш тизимининг амалда фаолият кўрсатиши ва ривожланишининг кафолатларини, устуворлигини таъминловчи норматив, моддий-техникавий ахборот базасини яратишда;
- ё) таълим, фан ва ишлаб чиқариш самарали интеграциялашувини таъминлаш, тайёрланаётган кадрларнинг миқдори ва сифатига нисбатан давлатнинг талабларини, шунингдек, нодавлат тузилмалари, корхоналар ва

ташкilotларнинг буюртмаларини шакллантиришнинг механизмларини ишлаб чиқишда;

ж) узлуксиз таълим ва кадрлаш тайёрлаш тизимига бюджетдан ташқари маблағлар, шу жумладан, чет эл инвестициялари жалб этилишининг реал механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишда;

и) кадрлар тайёрлаш соҳасида ўзаро манфаатли ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантиришда асосий дастурул-амалдир.

«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилишда, ислоҳатларни босқичма-босқич ўтказиш тамойилини қўйди.

Биринчи босқичда кадрлар тайёрлаш тизими салоҳиятини сақлаб қолиш, унинг ривожланиши учун ҳуқуқий-меъёрий, илмий-методик, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратишнинг зарурлиги Миллий дастурда кўрсатилди.

«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг тутган ўрнига назар ташлайдиган бўлсак, биринчи босқичда қуйидаги вазифалар амалга оширилди:

а) Олий таълим тизими бакалаврлик йўналиши ва магистратура мутахасисларида иборат қилиб ташкил этилди. 2001 йилда эса магистратурани илк биритувчилари (1800) ҳаётга йўлланма олдилар. Шунингдек, ўрта махсус касб-хунар таълимида 27 минг ўқувчига мўлжалланган 46 та академик лицей, 167 минг ўқувчига мўлжалланган 260 касб-хунар коллежи фаолият юрита бошлади. Уларни бунёд этиш учун эса, давлат бюджетидан 135 миллион сўм маблағ ажратилди. Касб-хунар таълими муассасаларини жиҳозлашга 150 миллион АҚШ доллари миқдориди хорижий имтиёзли кредит жалб қилинди. Шунингдек, Осиё тараққиёт Банкнинг 57 миллион АҚШ доллари миқдориди кредити ҳисобидан 45 та ўқув муассасаси жиҳозланди.

Таълимнинг барча турлари учун ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

«Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури»да белгиланган кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмларидан биринчиси «шахс» деб белгиланган.

Яъни, шахс – «Кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи» дир.¹

Шунинг учун мамлакатимизда, миллий қонунчилигимизда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари устувордир.

Зеро, мамлакатимиздаги ҳозирги ислоҳатларимиз шахснинг бугунги ва эртанги кунига хизмат қилмоли учундир.

«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури», «Таълим тўлиқисиди»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини бажаришда тўлиқ йўл кўрсатувчи ҳуқуқий ҳужжатдир.

Дастурда таълимнинг барча турлари, уларнинг мақсади, вазифалари белгилаб берилган.

Шунингдек, Миллий дастурда кадрлар тайёрлаш тизимида фаннинг тутган ўрнига, унинг вазифаларига алоҳида урғу берилган. Унда шундай дейилган: «мамлакатимиз илм-фанининг жаҳон илм-фанига интеграцияси содир бўлади, замонавий илм-фан ва технологияларнинг энг муҳим муаммоларни ҳал этиш учун илмий ютуқлар ва кадрларни ҳалқаро миқёсда алмашинув амалга оширилади.»²

Яъни «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» фаннинг таълим соҳасида қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигига алоҳида эътибор қаратиб, унинг ривожланиши учун ҳуқуқий замин яратиб берди.

Миллий дастурда кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган.

Унда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилган:

1) таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш;

¹ Ўзбекистоннинг янги қонунлари. –Т, «Адолат», 1998 й. 13-бет,

- 2) педагог ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш; қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;
- 3) таълим жараёнини мазмунан ислоҳ қилиш;
- 4) маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар;
- 5) иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшлар;
- 6) таълим тизимини бошқариш;
- 7) касб-хунар таълими сифатини назорат қилиш тизимини шакллантириш;
- 8) таълим тизимини молиялаш;
- 9) моддий-техника таъминоти;
- 10) таълим тизимининг яхлит ахборот маконини вужудга келтириш;
- 11) таълим хизмати кўрсатиш бозорини ривожлантириш;
- 12) таълим соҳасида ижтимоий кафолатларни таъминлаш ҳамда бу соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;
- 13) фан ва таълим жараёни алоқаларини ривожлантириш;
- 14) ишлаб чиқариш ва таълим тизими интеграциялашувини ривожлантириш;
- 15) таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳалқаро ҳамкорлик.

Миллий дастурнинг яна бир аҳамиятли жиҳати, унда дастурни амалга ошириш босқичлари, муддатлари аниқ белгиланганлигидадир.

Шунингдек, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да кадрлар тайёрлаш бўйича давлат, жамият ва инсон фаолиятининг барча соҳалари қамраб олинган.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалга ошган тақдирда, биринчидан, «ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир қилади ва натижада мамлакатимиздаги мавжуд муҳит бутунлай ўзгаради.

иккинчидан, таълимнинг янги модели ишга тушгач, инсоннинг ҳаётдан ўз ўрнини топиш жараёни тезлашади. ҳар қандай одам ҳам ўсмирлик чоғида, эндигина вояга етиб келаётган даврида жамиятдан

муносиб ўрнини топиши керак»¹ деган эди Президентимиз Ислон Абдуғаниевич Каримов.

Дарҳақиқат, Миллий дастурдан асосий кўзланган мақсад ҳар бир инсоннинг ҳаётдан ўз ўрнини топишида ёрдам бериш, унга тўғри йўл кўрсатишдир.

Зеро, илмли, маърифатли, ҳаётда ўз ўрнини топган инсонлар яшайдиган жамият ҳаёти фаровон, тинч бўлади.

«Илм-маърифат эъзозланган мамлакатда ҳеч ким уруш ҳақида бош қотирмайди. Чунки, илм-маърифат инсонни юксакликка кўтаради. XXI асрда мен ишонаман, маданият учун, илму-маърифат учун жонини берадиган ва буни ҳаётининг асосий мақсади қилиб кўядиган янги авлод пайдо бўлади»² деган эди Президентимиз.

Шундай экан, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни тинчлик дастури, «эртанги кунимизни рўёбга чиқарувчи дастур» деб аташимиз мумкин.

1998 йил Австралияда келгуси аср таълими истиқболларига бағишланган «Осиё-Тинч окегани минтақасида XXI асрда таълим муаммолари» деб номланган Халқаро анжуманда таълимни ривожлантиришга қаратилган махсус давлат дастури фақат икки мамлакат: АҚШ ва Ўзбекистон дагина мавжудлиги таъкидланган. Яъни, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ўзининг илмий салоҳияти, аҳамияти, чуқур фалсафий маънога эга эканлиги билан халқаро майдонда тан олинди .

Бундан ташқари, Миллий дастурнинг амалга оширила бошланиши натижасида таълим турларига давлат стандартлари, яъни таълимнинг зарур ва етарли даражаси ва ўқув юктамалари ҳажмга қўйиладиган асоси давлат талаблари белгиланди.

Таълимнинг мазмунини зарурий ўзаги ҳисобланган таълим воситасида мамлакат ҳудудидаги турли ўқув муассасаларида таълимнинг барқарор

¹ Каримов. И.А. «Баркамол авлод орузуси». –Т., 2000 йил. «Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси», 107-бет.

² Юқоридаги манба. 87-бет..

даражасини таъминлаш шарти амалга оширилди, узлуксиз таълим тўғрисида ўқувчи ва талабалар билимни баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди.

«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да белгиланган, жорий этиладиган таълим тизимида мустақил фикрлаш қобилиятини тарбиялашда ўқувчи билан ўқитувчи муносабатини тубдан ўзгартиртириш, яъни ўқув жараёнини инсонпарварлаштириш масаласи ўта муҳимдир.

Бу эса, бевосита ёшларнинг тафаккурига, онгига, руҳиятига таъсир этиш орқали амалга оширилади. Бу эса ўз навбатида янги педагогик технологияларни жорий этишни талаб этади. Масалан, ўқувчи қайси ўқув фанини ёқтириши, яхши, мукаммал ўзлаштириши ва шу асосда мустақил фикрлаш қобилиятига эришиши мумкин? Бу албатта, ижтимоий муҳит юзага келганда ўқитувчи билан ўқувчи орасидаги ўзаро бир-бирига ҳурмат, ишонч ва ўзаро шахс сифатида тан олиш ҳисси пайдо бўлганлиги намоён бўлади.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да умумтаълим мактабларини битиргач ўқувчиларга касб-ҳунар таълимини танлашда эркинлик берилган. Яъни, Миллий дастурда шахснинг эркинлиги, мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантиришга бирламчи эътибор берилди. Зеро, эркинлик фикрни ривожлантиради. Фикрнинг ривожланиши эса тараққиёт омилини ўз ичига олади. Ёшларга эса, эркинлик, ҳуқуқларининг таъминланганидир.

Худди шу ўринда шуни таъкидлаш зарурки, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунини амалга оширишда асосий «йўл кўрсатувчи» ҳужжат ҳисобланар экан, унда жамиятимизнинг барча жабҳаларига эътибор қаратилган. Шундай экан, ундаги «Таълим соҳасида ижтимоий кафолатларни таъминлаш ҳамда бу соҳани давлат томонидан қўллаб қувватлаш» деб номланган қисмида шундай дейилади. «Алоҳида эътиборга муҳтож бўлган ҳудудлар»даги таълим муассасаларига алоҳида эътибор қаратилади. Улардаги болаларнинг ўқиш, билим олишларига биринчи ўринда шароит яратилади», деб белгиланиши ва унинг ижроси таъминланиши лозим. Зеро,

бола ҳуқуқларини таъминлаш уларнинг яхши, соʻлом муҳитда ўсиб-улайтиши, таълим-тарбияни қулай шароитларда олиши зарурдир. Бугунги кунда илмий изланишлар жараёнида шунга амин бўлдики, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилоятларининг қишлоқ мактабларида ўқувчи болаларнинг аҳволи ниҳоятда ночор. Таълим-тарбия олишга умуман шароитлар йўқ бўлган умумтаълим мактабларининг гувоҳи бўлдик. Шунинг учун бу муассасаларга биринчи ўринда эътибор қаратиш ўта муҳимдир.

Ўзбекистон халқи ўз олдига ҳуқуқий-демократик давлат, фуқаролик жамиятини бунёд этишни мақсад қилиб қўйди. «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг ҳаётга тадбиқ этилиши Халқаро ҳамжамиятда ўз ўрнимизни мустаҳкам эгаллашга олиб келади. Чунки, дунёнинг бугунги кунимиздаги тараққий этиши ҳарбий қудратга боғлиқ эмас, балки интеллектуал салоҳиятда, илғор технологиялардадир.

Шу ўринда Президентимизнинг фикрларини келтириб ўтиш ўринлидир: - «Таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келади. ўзининг қадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўламиз. Ана шундан кейин онгли турмуш кечириш жамият ҳаётининг бош мезонига айланади»¹

Дарҳақиқат, Миллий дастур таълимнинг барча турларини муваффақияти ҳаётимизга тадбиқ қилувчи ва унинг келгусидаги фаолиятига кўмаклашишида алоҳида аҳамиятга эга бўлган меъёрий ҳужжатдир.

¹ И.А.Каримов. «Баркамол авлод орзуси». –Т., «Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси», 2001 йил, 208-бет.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. "Ўзбекистон ". 1998.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида" ги Қонуни. 1997 йил 29 август.
3. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. 1997 йил. 6 август.
4. "Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Тошкент. 1997 йил, 6 октябрь. ПФ № 1869.
5. И.А.Каримов. "Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори". "Шарқ", 1999 й.
6. И.А.Каримов. "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари". 1997 й.
7. И.А.Каримов. ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг ўн биринчи сессиясида сўзланган нутқ. "Ўқитувчиалар газетаси". 1989 й, 28 октябрь.
8. "Қашқадарё ҳақиқати" газетаси, 1988 й. 24 май. И.А.Каримов нутқидан.
9. И.А.Каримов. "Баркамол авлод орзуси". "Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси" давлат илмий нашриёти. 2000 йил.
10. И.А.Каримов. "Ўзбекистон нинг ўз истиқлол ва тараққийт йўли" - Ўзбекистон , 1992 й.
11. И.А.Каримов. "Ўзбекистон нинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг тамойиллари". Ўзбекистон , 1995 й.
12. И.А.Каримов. "Ўзбекистон : миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура". -Т., 1996. 1-том.
13. И.А.Каримов. "Миллий давлатчилик, истиқлол мафкураси ва ҳуқуқий маданият тўғрисида". Т., 1999 й.
14. И.А.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари.

15. И.А.Каримов. "Ўзбекистон XXI асрга интиломда". Т., "Ўзбекистон ", 1999 й.
16. И.А.Каримов. "Жамиятимиз мафкуриси халқни-халқ, миллатни миллат қилишга ҳизмат этсин". Т., "Ўзбекистон ", 1998 й.
17. И.А.Каримов. "Тарихий хотирасиз келажак йўқ". Мулоқот, 1998. №5.
18. И.А.Каримов. "Ўзбекистон - келажаги буюк давлат". Т., Ўзбекистон , 1993 й.
19. И.А.Каримов. "Биздан озод ва обод Ватан қолсин!". Т., "Ўзбекистон ", 1993 й.
20. И.А.Каримов. "Ўзбекистон нинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий-ижтимоий истиқболнинг асосий тамойиллари". Т., "Ўзбекистон ", 1995 й.
21. И.А.Каримов. "Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли". Т., "Ўзбекистон ", 1993 й.
22. И.А.Каримов. "Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман". Фидокор газетаси. 2000 йил. 8 июль.
23. И.А.Каримов. "Биз учун халқимиз, Ватанимиз манфаатидан улуғ мақсад йўқ". Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси. 2001 йил, 7 декабрь.
24. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. х.Б.Бобоев ва х.Т.Одилқориевлар умумий таҳрири остида. Тошкент Давлат юридик институти. 2000 йил.
25. З.Исломов. "Общества, государства, право". Т-1,2. -Т., Адолат, 1997 й.
26. З.Исломов. "Давлат ва ҳуқуқ: Умумназарий масалалари". Т., Адолат, 2000 й.
27. А.Саидов, У.Тожихонов. "Давлат ва ҳуқуқ асослари" (дарслик). Т., "Ўзбекистон ", 1999 й.
28. А.Х.Саидов. У.Т.Тожихонов. "Мустақиллик қомуси". Т., 193 й.
29. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Х.Б.Бобоев ва Х.Т.Одилқориевлар умумий таҳрири остида. Тошкент Давлат юридик институти. 2000 йил.

